


ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ.

Ислон КАРИМОВ



ПРОКУРОР ЁРДАМ БЕРДИ

ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

Тошкент кишлоқ хўжалиги институтини битириб, жамоа хўжалигида зоотехник, ферма мудир бўлиб ишладим. Гапни узоқдан бошлаганимнинг боиси, мутахассис ва ташкилотчи сифатида озгина бўлса-да тажрибам бор эди. Ҳавас билан фермер хўжалиги ташкил этдим. Давлатдан қарз олиб, 25 гектар тош-шағалли ерда ва эски товухона биносидан 40 бош бузоқни парваришлай бошладим. Кимдир ўшанда «Бузоқнинг югургани сомонхонагача, кўрамиз, каергача бораркин» деб устимдан кулди, кимдир, «эсингни йиғиб ол, чув тушиб қолмагин тагин» деб ачинган ҳам бўлди. Бу гапларда жон бор эди. Дастлабки кезларда фермер хўжалигига қарши бўлган раислар ҳам бор эди. Мулкни рўйхатга олишда тўсиқлар ҳам мавжуд эди. Янгиликка қарши бўлганлар хусусий фермер хўжаликлари ривожланиб кетишдан манфаатдор эмасдилар. Бу тараққиётни жиловлаб турган эски дунёқараш қобилигини ёриб ўтиш осон кечмади. Энг ноқулай шартшароитда ҳам ишим юришайтгани, жамоа хўжалиги фермасига қараганда кўпроқ даромад олаётганим деҳқон-чорвадорда ҳавас, янгиликка қарши баъзи калтабин раҳбарларда ҳасад уйғотарди.

Менинг ибратим бошқаларга ҳам «қўйиб», фермер бўламан деганлар кўпайиб кетмаслиги учун «Умид» фермер хўжалигини бугиб қўйишга киришдилар. Раҳматли дадам ўшанда руҳимни кўтариб, «Чўчима, қонун сен тарафда, сен қабилирни Президентимизнинг ўзлари қўллаётганлар», деб далда берди.

1993-95 йиллар асосий вақтим ва куч-ғайратимни ўз ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиш учун сарфлашга мажбур бўлдим. Ишимга дахлдор раҳбар қунора ҳузурига чақириб ёки одам жўнатиб, «ёпасан» дейди. Прокуратура идораларига ишончим кучли эди. Улардан ёрдам сўрашга қарор қилдим. Ўшанда туман прокурори: «Фермер хўжалигини асоссиз тугатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, қонун

сиз тарафда, бемалол ишлайверинг» деб менинг манфаатларимни ҳимоя қилди.

Ҳақ эртами, кечми, барибир қарор топар экан. Қонунга ўзини қарши қилиб қўйган ўша раҳбар ишдан бўшади.

1994 йил 18 феврал куни Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилиш ҳеч эсимдан чиқмайди. Қашқадарё вилоятидан бир раис сўзга чиқиб, мактовни бошлаганида Президентимиз гапини бўлиб, иши, кишлоқдаги муаммолар билан қизиқдилар. Ва шунда сира ҳам қўтилмаганда мени ўртага тақлиф қилдилар. Президентимизнинг ҳақ сўзни қўтаётганини ҳис қилиб, шундан қувват олиб, фермерларга кимлар ва нима сабабдан тўсқинлик қилаётганини рўй-рост гапириб бердим. Шундан кейин «Умид» фермер хўжалигимда республика семинар-кенгаши ўтказилиб, фермерларнинг муаммолари батафсил муҳокама қилинди, уларни ҳал этиш юзасидан фойдали тавсиялар, маслаҳатлар берилди.

Кредит қарзлардан қўтулиб, даромадим ҳисобида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қорамоллар сонини кўпайтиришга интилдим. Илгор тажрибаларни ўрганиб, қондитер ва нон маҳсулотлари, музқаймоқ, макарон ишлаб чиқарувчи цехлар очдим, обжувоз ва ун тегирмонини қуриб ишга туширдим.

Чет эл инвестициялари ва илгор технологияларни олиб кириш тўғрисидаги Президентимизнинг жон қўйдириб айтган фикрлари менга яна қанот бағишлади. Вилоят, туман ҳокимларининг тавсиялари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 434-сонли қарори билан «Барака-лизинг» компанияси орқали Исроил давлатининг «Марав» фирмасидан кичик сут заводи олиб келиб, Яқкатут кишлоғимизда қурилишни бошладик. Ҳозир ушбу заводимизда 8 хил маҳсулот тайёрлаб, туман даги богча ва мактабларни, аҳолини таъминлаяпмиз.

Иш бор жойда, муаммо ҳам бўлади, албатта. Ўтган йили галла

(Давоми 2-бетда)



САҲИФАЛАРИМИЗДА

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ

ПРОКУРАТУРА

ИДОРАЛАРИ

3-4-5-бетлар

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abdusolix
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Shara» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 2649
Nusxasi — 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 22.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Nabvatchi muharrir:
H. NISHONOV
Nabvatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ХАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

(Давоми. Бошланishi 1-бетда)

Ўримидам кейин С.Азизов номли очик турдаги хиссадорлик жамияти ташки бошқарувининг раиси М.А. рақуловдан такрор экин экиш учун ўзаро фойдали шартнома тузиб, 30 гектар ер ажратиб беришини сўрадим. Бироқ раис останадаёқ рад жавобини берди. «Менга берма-сангиз, ўзингиз фойдаланмасангиз, ернинг умри бефойда ўтади-ку», деган асосларини тиглашни ҳам истамди. Ўша кунлари туман прокуратураси очик экишлар куни ўтказётганини эшитиб қолдим. Уларнинг албатта қонун доирасида ёрдам беришларига ишонардим. Ана шундай ишонч билан туман прокуратури Шўхрат Қосимовнинг хузурига кирдим. Прокуратура алашганидан кейин икки томонлама битим тузиб, 30 гектар ерга силос учун махкажўхори экдим. Ишловга зўр бердим. Кузда хар гектар ердан ўртача 825 центнердан кўк масса йиғиштириб олиб, С.Азизов номли ОТХЖ омиборига келишилган-дан 450 тоннадан кўпроқ силос тўкиб бердим.

Турмушнинг ўзи чорва сонлари тўғриси кўпайтиришни, озукбоп экинлар майдонини кенгайтиришни тақозо қилапти. Кичик сут заводи тўла қувват билан ишлаши, имтиёзли кредитни ўз муддатига тўлашимиз учун кунига камида 200 литр сут зарур бўлади. Биз тузаётган баъзи шартномалар бажарилмай қолиш ҳолатлари ҳам бўлиб туради. Шахсий ҳўжаликлардан сут сотиб олиш ҳам истиқболли иш эмас. Кичик сут заводини ўзимизда ишлаб чиқиладиган махсулот билан таъминлаш учун соғин сирларини яна 100 бошга, экин майдонларини 10 гектарга кўпайтиришга ҳаракат қилаялман. Зеро, ҳаракатда баракат дейдилар. Ҳозир тадбиркорлар замони келган экан, биздан фақат куч-ғайрат, изланиш талаб қилинади.

Мана шу сут заводи мисолида,

гарчи у кичик бўлса-да, саноат корхоналарининг қишлоққа фақат иш ўринлари эмас, балки турмуш қўлайликлари, мўл-кўл махсулотлар олиб киришини ҳам кўрса бўлади. Заводқурилиши жараёнида янги электр тармоқлари, тоза ичимлик суви қувурлари ҳам ўтказдик, кўчаларни асфальтлаб, йўлларни раво қилдик. Ёшларнинг қўчада бе-кор юришининг олдини олиш учун «Умид» спорт клубини очдик. Ҳозир спортга ҳавасманд ёшларимиз бу масканда бокс, каратэ, ўзбек кураши бўйича мунтазам машғуллар ўтказишмоқда. Бундан ташқари, иктидорли болаларни олий ўқув юртларига тайёрлаш учун пулли сабоқ олишларини йўлга қўйдик. Ўқитувчиларга ҳақни фермер ҳўжалиги тўлапти.

Бойлик орттиришни билиб, уни эзгу ишларга сарфлашни билмаган одамнинг барибир қосаси оқармайди. Қишлоғимизда мамлакат миқёсида, дунё миқёсида танилган спортчилар чиқса, болаларимиз бир неча чет тилларни билиб, юртимизнинг доверуғини таратишса, бундан ортиқ гурур, фахр борми! Андижон бокс мактабига ҳавас қилдик. Бизда ҳам ана шундай бокс, кураш мактаби таркиб топса, бошимиз осмонга етарди. Бу йўлда биз ҳам ташаббускорларга доимо мададқормиз.

Давлатимиз қишлоқ аҳолиси ҳаётини янада фаровон қилиш учун барча шароитларни яратиб берапти. Орзу-ҳавасни рўёбга чиқариш хар кимнинг иродасига, тинимсиз ишлаш қўбилиятига, тўсқиларни енга олишига боғлиқ. Бироқ доимо ҳавас қилиб яшагга нима етсин. Мустақиллиқни мустаҳкамлаш йўлида шундай ишлаб, шундай яшайликки, ҳамманинг ҳаваси келсин.

Имомали НАЗАРОВ,
Ўзбекистон тумани «Умид»
фермер ҳўжалиги раҳбари

ДИЛ ИЗҲОРИ

МИННАТДОРМАН

Турмуш ўртоғим 20 йилдан ортиқ жамоа ҳўжалиги дала-рида тракторчи бўлиб ишлади. 3 йил ҳашаротларга қарши заҳарли дорилар сепадиган тракторни бошқарди. Натижада ногирон бўлиб қолган. Ўзим ишсизман. Шу йил январь ойи охирида ўз аҳолими ҳақида «Хуқуқ» газетасига хат ёзиб, ёрдам сўрадим.

18 февраль куни касал бўлиб ётиб қолдим. Эрталаб уйда танҳо ўзим, иситма оташида ётган эдим. Кўча дарвозасидан кимдир қақирди. Лекин менинг туришга мажолим йўқ эди. Шунда қақирган одам саноат бериб, ичкарига кириб келди. Аҳолимини кўриб, дарров «тез ёрдам» машинасини чақирди. Мени туман касалхона-сига даволаниш учун ётқишти-ди. Эртасига ўғлимнинг ҳам иситмаси чиққан экан, уни ҳам олиб келиб ётқишти. 12 кун даволаниб, соғайиб чиқдик.

Ўша куни бизнинг уйга келган одам Фаргона вилоят про-курорининг ўринбосари

Нўмонжон Исақов экан. Шу кишининг аралашуви туфайли бизга қўнийиш моддий ёрдам беришди. Ўғлим Х.Носиров ишга жойлаштирилди. Эримни II гуруҳ ногиронлиққа ўтказиш хурусида ҳам тегишли шифо-корлар ваъда қилишди.

Илгари прокурор деса одам қамайдиган шахс деб тушунардим. Нўмонжон Исақовнинг бе-ғараз ёрдами туфайли оила-вий шароитимиз яхши томонга ўзгаргач, прокуратурада халқ-парвар, адолатпарвар, толик-қан инсонларга кўмакка кела-диган бағри кенг, ҳалол киши-лар ишлашига амин бўлдим.

Хурматли «Хуқуқ» газетаси ходимлари! Ушбу миннатдор-чилигини сизга ва вилоят про-куратураси ходимларига қан-дай ётқиштишни билмай, қўлим-га қалам олдим. Раҳмат сиз-ларга!

Замира Носирова,
Фаргона вилояти Олтиариқ
тумани,
Файзиобод қишлоғи,
Ҳамза кўчаси 12-уй.

КЕНГАШ

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Бу ҳикмат халқимиз орасида жуда машҳур. Унинг мағзини чақиш унчалик мушкул эмас. Аммо, унга амал қилиш, сўз ва иш бирлигига эришиш қийин кечмоқда. Бу фикр Хоразм вилоят идоралараро муво-фиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида ҳам таъкидланди. Кенгашда ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизомига оид қонунларнинг вилоятдаги ижроси мутасаддилар иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Маз-кур кенгаш қарори асосида вилоят прокуратураси ташаббуси билан банк, молия ва солиқ идоралари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Биз аввало, вилоятда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳолини ўрганиб чиқдик. Мутасаддилар иштирокида муаммонинг асосий сабаби аниқланди. Ўзаро қарзларни қамайтиришда схемалар тузиш усулидан фойдаланишга киришилди. Чунки схема орқалигина қарзлар занжирини узиш мумкин. Бу усул қисқа фурсат ичида самарасини берди. Схема бўйича дебитор ва кредитор қарзларни қамайтириш самарадорлиги 60 миллион сўмини ташкил қилди.

Дебитор ва кредитор қарзларни қамайтиришга вилоят ҳокимлиги пул-кредит комиссияси, молия бошқармаси, солиқ бошқармаси ва Марказий банкнинг Хоразм вилоят бош бошқармаси масъул бўлсалар-да, аслида вилоят молия бошқармасининг бошқа вазифалардан озод қилинмаган мутахассислари шугулланиб, фақат бюджет билан боғлиқ дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қамайтириш билан шугулланиб келганлар. Бюджет билан боғлиқ дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 3 миллирд сўм бўлиб, бу умумий қарздорликнинг 22,3 фозини ташкил қилади.

Натижада, 2000 йил мобайнида молия бошқармаси томонидан тузил-ган схемалар орқали 17,7 миллиард сўмлик, жорий йилнинг 1-чорагига эса 45 миллиард сўмлик амалга оширилган ишлар вилоятдаги умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдорини қамайтиришга таъсир кўрсатмаган.

Қўрилган чоралар натижада ишчи гуруҳ томонидан қисқа вақт ичида 4 миллирд 375 миллион сўмлик дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қамайтиришга имкон берувчи кўплаб схемалар тузилиб, вилоят пул-кредит комиссиясига тақдим қилинди. Схемаларнинг вилоят миқёсида ҳал қилинадиган 100 таси амалда жорий қилиниб, жами 7 миллиард сўмлик дебиторлик ва шу миқдорда кредиторлик қарзлар қамайтиришга эришилди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан тузилган бу схемалар нафа-қат вилоятимиз, балки республикада ҳам ўзаро ҳисоб-китоблар муам-мосини ҳал қилишда фойдаланишга тавсия этилди.

Интилган имкон топади дейишди. Мана, ҳисоб-китоблар масаласи-да ҳам кўпгина муаммолар барҳам топмоқда, қўнунбузарликлар барта-раф қилинмоқда. Бу шубҳасиз мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига самарали таъсирини кўрсатади.

Кувондиқ САЪДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокуратураси умумий назорат
бўлими катта прокурори

ХАБАР

Андижон вилоят прокурату-расининг кенгайтирилган хайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоят проку-ратура идораларининг қўнун-чилиқни мустаҳкамлаш, жино-ятчиликка қарши курашни таш-кил этиш юзасидан 2001 йил-нинг 1-ярмидаги фаолияти якунлари ва келгусидаги ва-зифалари ҳақидаги масала му-

лик таъсир чоралари қўлла-рилди, жиддий қўнунбузилиш ҳолатлари юзасидан эса 130 та жиноят иши қўзғатилди. 13,5 млн. сўмлик зарарлар ихтиё-рий равишда қопланиб, суд-ларга 795,6 млн. сўмлик за-рарни ундириш ҳақида даъво аризалари киритилди.

Ҳисобот даврида келиб туш-ган 2046 та ариза ва шикоят-

АСОСИЙ МЕЗОН - ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ

ҳокама қилинди. Мажлисни ви-лоят прокурори У.Шамсиев олиб борди. Вилоят прокуро-рининг биринчи ўринбосари Н.Қўрбонов кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қил-ди. Мажлисида вилоят проку-ратура идоралари фаолияти-даги ижобий ишлар билан бир-га йўл қўйилаётган камчилик-лар юзасидан ошқора фикр билдирилди. Умумий назорат йўналишида 600 дан ортиқ тек-ширишлар ўтказилиб якунига кўра 6 мингга яқин прокурор-

ларнинг 820 таси бевосита прокуратура идоралари томо-нидан текширилиб ҳал қилин-ди.

Кадрларни танлаш, тайин-лаш ва тарбиялаш ишлари из-чиллик ва талабчанлик билан амалга оширилди.

Ҳайъат мажлисида Респуб-лика прокуратурасининг бош-қарма бошлиғи А.Солиҳов иш-тирок этди ва нутқ сўзлади.

А. МАДАТОВ,
«Хуқуқ» муҳбири



САҲИФАЛАРИМИЗДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

БУЮК НЕЪМАТГА МУШАРРАФ

ХАЛҚМИЗ

ган жойда ҳаракат бирлиги у ёқда турсин, мақсад бирлиги ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Қайси арафада сўзлашмайлик, барибир зиммалардаги бурч биринчи галдаги вазифа бўлиб қолаверади. Шундай экан...

— Фикрингизни тушундим. Нур борки, соя бўлганидек, жамиятни қонунбўзарликларсиз тасаввур қилиш қийин. Вилоят ҳудудида умумий жиноятчилик бирмунча камайган бўлса-да, ижобий кўрсаткичлар ўта оғир жиноятлар таҳлилида кам сезилмоқда. Хусусан, 2000 йилда 1999 йилдагидан 79 та кам жиноят қайд этилган. Номусга тегиш, босқинчилик ва талончилик жиноятлари мисолида ҳам бундай камайишларни кузатиш мумкин. Бироқ рецидив жиноятларнинг қисман бўлса-да, ўсиши сақланиб қолмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида тузилган кенг қамровли профилактик

— Ватанини сотишга интилган юрт-фурушлар қисмати ҳеч кимга раво кўрмаймиз. Шундай эмасми?

— Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, дейди халқимиз. Фақатгина қабоҳат ботқоғига ботган, разолатни касб қилган кимсаларгина бундай ҳис-туйғулардан йироқ бўлишади.

Вилоятда бир қанча диний-экстремистик оқимларга мойил шахслар профилактик ҳисобга олинган. Уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, қариндош ва бошқа алоқадорлик доираларини назоратга олиш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда.

— Истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси қандай бажарилмоқда?

— Яқинда газеталарингизда вилоти-миздаги истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилаётганлиги ҳақида танқидий мақолани ўқидим. Вилоят проку-

Самарқанд вилоят прокурори Алишер ҲУСАИНОВ билан суҳбат

тадбирларда ижобий натижаларга эришининг кескин чоралари ҳисобга олинган.

— Дароқе, ялли текшириш якулари қандай тугалланди?

— Ўн кун давом этган текшириш якулари тўғрисида кўп гапирish мумкин. Умуман, одатий жараён давомида олиб борилаётган ишларнинг нечоғли тўғри ёки нўқсонлардан холи эмаслиги четдан ўрганилганда янада яққолроқ сезилиб қоларкан. Республика Бош прокурори ўринбосари Эшдавлат Жўраев раҳбарлигидаги гуруҳ текширувлари чоғида биз яна бир бор бунга амин бўлдик. Ҳар бир соҳа ишлари таҳлили мукаммал ва тавсияномалар асосида ўрганилди.

Биргина жумла билан эътироф этидиган бўлсам, ўтган давр ичида қонунчилик ва ҳуқуқ тарғиботини мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасида эришилган натижалар кам эмас. Шундай бўлса-да, ҳали фаолиятимизда изчилик зарурлигини англаб турибман. Жамоатимиз олдида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Алишер ака, мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида Са-роқисё ва бошқа тоғли ҳудудларимизда содир этилган террористик ҳаракатлар ёдимизда. Вилоятнинг чегарадош ҳудудларида аҳвол қандай?

— Вилотиимизнинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларидаги тоғларда ҳозир қорлар эриган. Ўтган давр мобайнида бу тугаш сарҳадларда ташвишланишга асос бўлувчи бирор ҳолат сезилмаган. Аммо, бу сокинлик хотиржам юришимиз учун асос бўла олмайдми. Шу боисдан ҳам ушбу ҳудудларда эҳтимолдан холи бўлмаган ҳолатлар юз бермаслиги устидан назоратни қўчайтирганимиз. Ҳўшёр турмуш тарзини таъминлашга ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан бир қаторда, тоғ сўқмоқларини яхши билган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам жалб этилган.

Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган ҳамкорлик учрашувини барчамиз катта умидлар билан кузатиб бордик. Президентимиз қайд этиб ўтган хулосалар эл оёйишталлиги, юрт тинчлиги учун хизмат қилишига ишонаман.

ратураси умумий назорат бўлими томонидан қайд этилган нўқсонлар сабаблари ўрганилмоқда.

Истеъмолчиларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, хусусан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли қарори бўйича аҳолини 8 турдаги махсулотлар билан таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва туман прокуратураларининг ва умумий назорат бўлимининг йиллик ҳисоботларида кўрсатилган қонунлар ижроси юзасидан 76 текширишлар ўтказилиб, 600 дан ортиқ прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Қўпол қонунбўзарликлар юзасидан 56 та жиноят ишлари кўзгатилади. Ўйлайманки, соҳа иши назоратида жараён мавсумийлик касб этмайди.

— Алишер ака, инсонлардаги қайси хислатларни қайралайсиз?

— Оддийлики. Мен ҳамма нарсадан кўпроқ ёқтирган фазилат шу. Шу билан бирга адолатпарварлики ҳам.

— Ёш муштарийларимиз кўпича етук қонун ҳимоячиларининг шахсий ҳаётига ўзгача қизиқиш билан қарашади.

— Бемалол, бунинг ҳеч қандай ноўн-ғай ери йўқ. Турмуш ўртоғим Нигорахон уй бекаси. Бир ўғил, бир қизимиз бор. Темуржон ҳозирда Тошкент Давлат юридик институтида магистратура босқичи талабаси. Қизимиз Наргизахон ҳам Тошкентда, жаҳон тиллари университетида тахсил олмақда. Бир-биримизга инти-либ яшаймиз.

— Байрамлар арафасида юртдошларимизга тилакларингиз.

— Ҳуррият ва истиқлол йўллари ҳеч қачон осон кечган эмас. Биз эса ана шундай буюк неъматга мушарраф халқимиз. Энди биздан талаб этиладигани бирдамлик, яқдиллик ва сабр-қаноатли-лиқдир.

Тилакларим шуки, осудалик ва фаровонлик муқаддас диёримизни ҳеч қачон тарк этмасин. Оналар ва болалар йил-да яна бир истагим — бахтиёр фарзандлар камолини кўриш ҳар биримизга на-сиб этсин.

Суҳбатдош М.АЛОВУДИНОВ, «Ҳуқуқ» мухбири

Хосият БОБОМУРОВА

КЎҲНА САМАРҚАНД

Самарқанд. Рухларнинг оғушидаман,
Қуппа-қундуз хушман, беҳушман.
Қулогимга шивирлар руҳлар,
Гоҳ зил-замбил, гоҳ енгил қушман.


Яраланган ҳаёллар ипин,
Улугбекнинг боши тортади.
Тўлғанаман жисмимга сиғмай,
Кўзларимнинг ёши ортади.

Бобуришнинг тўнини кийиб,
Тирик юрар соғинч деган дард.
Асрларнинг сирли эртагин
Асраб келар кўҳна Самарқанд.


Темурнинг занг босган қиличи
Мангайимда осиб туради.
Қалин тортиб кетган қабрлар
Юрагимга додлаб киради.

Кўринмайин ёниб ётар чўғ,
Муқаддасдир бунда ҳар қадам.
Бу йўллардан бир ўтиб кўрсаң,
Ҳайқирмасдан яшолмас одам.

Қилич ҳозир чиқади қиндан,
Эзуликка айланар ҳар гард.
Овоз келар минг-минг қабрдан,
«Буюксан-эй, она Самарқанд!»



Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд



БҲРЧ МАСЪУЛИЯТИ

САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Бурч муқаддас нарса. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Жамият ёки жамоа амалда ишботланган фазилатларнигина эътироф этади ва ҳурматлайди. Кимда-ким ўз баҳосини аниқ билмоқчи бўлса, уни фақат халқдан билиши мумкин. Яъни, ўзини халқнинг ҳукмига ҳавола қилиши керак.

Вилоят прокурорининг барча шахар ва туман прокурорларига йўллаган «Йўналтирувчи хат»и биз ҳикоя қилмоқчи бўлган жамоа учун ҳудди шундай ишонч белгиси эди: «Пас-даргом туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назорати аҳолини оммалаштириш ҳақида»ги йўналтирувчи хат иловаларига назар ташларканмиз, прокурорлик назоратидан четда қолган бирор соҳа йўқлигига амин бўлдик.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган тadbирлар Дастури асосида уларнинг ихросини таъминлаш юзасидан туман прокуратураси бошқа маъмурий идоралар билан ҳамкорликда кенг қамровли ишлар олиб борган.

Жумладан, туман прокуратурасида тумандаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассса-

саларининг барча маълумотлари киритилган альбомлар ташкил этилган. Бинолари но-чор ва авария ҳолатида бўлган 46-ва 61-ўрта мактаблар бўйича ҳам алоҳида жилд очилган бўлиб, ушбу мактабларнинг қурилиши ва таъмирланишини жадаллаштириш юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

Туман прокуратурасининг саъй-ҳаракатлари билан туманда 2000 йилда 1999 йилдаги нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар камайишига эришилган. Умумий жиноятчилик тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра туман ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан қонунга хилоф равишда чиқарилган қарорлар протест келтириш йўли билан бекор қилиниб, қонун талаблари даражасига келтирилган. Қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритилган.

Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида мажбуриятларни бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи 37 нафар шахс Ўзбекистон МЖТКнинг тегишли моддаси билан маъмурий жазого тортилган.

Ўтган йили туман прокуратурасида 50 та жиноят иши тергов қилинган бўлиб, барчаси бўйича суднинг айблов ҳукмлари чиқарилган.



Туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Умир Тўхтамишев билан суҳбатлашганимизда гапнинг бир учи ана шу ютуқлар замирига қадалди.

— Бу бизнинг бурчимиз-ку, — дея истиҳола қилади у.

Прокурорнинг фикрларида жон бор, албатта. Аммо, одама у ўзи ҳақида нима дейиши ёки қандай ўйлашига қараб эмас, қилаётган ишларига қараб баҳо берилади.

Қутлуг байрамлар арафасида зиммасидаги бурчларини сидқидилдан адо этишга интилаётган ҳар бир замондошимизнинг доимо эл назарида бўлишини истаб қолар эдик.

М.ЗОИРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

КОНСТИТУЦИАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ҲАРОРАТИ БИР
ЖАҲОН

Ўқув жараёнида кўп бора Конституциямизга мурожаат қиламан. Аммо, қонунлар устуворлиги ҳусусида маъруза ёзиб тайёрлаш жараёнида Конституциямизнинг нақадар мукаммал эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Эзгу хабарнинг қаноти бўлади, дейдилар. Чунончи, кўп сонли қонуншунос олимлар қатори франциялик профессор Шмидтнинг «Ўзбекистон Конституцияси давлат ҳамда фуқаро жамияти конституцияси ҳисобланади. Чунки у ана шу муҳим ҳуқуқий соҳани тартибга солиди», — дея берган баҳоси биз учун қадрлидир.

Гарчи бу ўша даврда, ўша жамиятда олов билан ўйнашиш бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифок тартиби пайtidaёқ халқ келажаги ва ахтиёрлари йўлидаги йўриқларни белгилаб берувчи тўлақонли Конституция яратишга киришган эди. Қонун ҳимоячилари қаторида биз ёш ҳуқуқшунослар олдидаги эндиги вазифа ана шу устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ эта билишдир.

Дилдаги гапни ҳаспўшлаб ўтиришнинг нима кераги бор? Ҳозирда халқ орасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш бир мунча қийин кечмоқда. Масалан, Конституциямизнинг 15-моддаси 2-қисмини олайлик. Унда «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамият бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўради» деб кўрсатилган. Бирок бугунги кунда барча раҳбарлар фаолиятида адолатпешалик, бағрикенглик ёки ташаббускорлик каби фазилатлар баробар қанот ёзаяпти, дея оламизми?

Конституциянинг XI бобида фуқароларнинг бурчлари модда-модда белгилаб берилган. Хусусан 52-моддада «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир» дея қайд этилган. Лекин баъзи бир ёшларимизнинг қонунлар моҳиятини англаб етмаганликлари аён бўлмоқда.

Агар биз ҳуқуқ тарғиботини тўлақонли амалга оширишга эриша олсак, айрим ёшларимизнинг жиноий йўللарга кириб кетишининг олдини батамом ололган бўламиз. Бу заруратни олдинроқ барчамиз баробар ҳис этганимизда турли норасмий оқимларнинг пуч сўзларига алданиб, қўлларига варақа тутган ёшларимиз чекаётган афсус-надоматларга ҳам ўрин қолмаган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ва қонунларимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўллари аниқ баён этилган. Ҳар сатрида юрт ва буюк халқ тақдири битилган Конституциямизнинг узок келажагимизни ёрита олувчи маёқ эканлигига ишонамиз.

Шухрат ТОШТЕМИРОВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат
университети ҳуқуқшунослик факультети
2-курс толиби

МУЛОҲАЗА

НЕГА ШОШДИНГ, ДИЛБАР?

Юмушларини саранжомлаб бўлгач, Шоистахон ўзлари учун ажратилган хонага кирди. Деразини ланг очиб, баҳор ҳавосига тан тутиб ўтирди. Сўнггра ёғду рўпарасига юпка болишини кўйиб, устига тикув машинасини ўрнатди. Ҳарир рўмолчага ўралган қуроқли бичувларини ёнига келтирди-да, куймаланиб тика бошлади.

Орадан қанча вақт ўтгани ўзига аён. Шу тобда супада «тақ-туқ» қадам товуши эшитилди. Ким экан, деб зехн солиб турган эди, дераза ёнидан қайинсиглиси Дилбархон ўтиб қолди.

— Бунча тез, жоним. Дарслар тугадими? — ҳар галгидек ҳазиломуз гап қилди янга. Аммо, савол қиз қўлоқларига етиб бормаганди. Жувон хаёли яна матолар оғушига сингди. Деярли тайёр ҳолатдаги гўдак кўйлақчасини кўлга олиб, синчковлик билан тикилди-да, ён қанотларига чок ура бошлади. Шу пайт ҳовлида нимадир тарақлаб кетганини эшитди. Югуриб дераза ёнига келди. Нима гапчилигини англай олмагач, оёқяланг ташқарига

ошиқди.

— Вой-дод! Бийижо-он!

Ошхона рўпарасида бор бўйича ўт қуршовида ёнаётган Дилбархонни кўриб, жувон шошиб қолди. Нима қиларини билмади. Қайинсиглиси эса чинки-ирганча супа бўйлаб зир югурарди. Жувон югурганча ошхонадан сув тўла челақни олиб чиқди. Қўш қўллаб селган эди, ҳовлиққанидан мўлжални аниқ ололмади. Сўнггра Дилбарга етиб олиб, уни ҳовлидан оқиб ўтувчи ариқча сари етаклади.

— Бўйлинг, ташлай қолинг, сингилжон!

Бу орада уйдан кўрпа олиб чиқиб, ёнаётган танага ура бошлади. Гарчи ёнаётган бўлсада, қайсар қизалоқ ўз аламларидан кечолмас, уввос тортиб йиғламоқдан нарига ўтолмасди. Қўни-қўншларини ҳам ёрдамга ошиққинди. Қиз «тилсиз ёв»дан бир амаллаб ажратиб олингач, шифохонага жўнатилди.

Самарқанд шахар тез тиббий ёрдам бўлими шифокорлари бир зумда оёққа қалқдилар. Барча имкониятлар жабрдийда қиз ҳаётини сақлаб қолишга қаратилганди. Бирок,

олов қисқа вақт ичида тананинг 85 фоиз қисмини куйдириб бўлганлиги боис, муолажалар бесамар кетди. Оғриқ ва йўқотишларга дош беролмаган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизалоқ ҳаёти шу тариқа интиҳо топди.

Хўш, ҳали турмуш аччиқ-чуқгини татиб кўрмаган қизалоқнинг бундай қалтис йўл тутишига нима сабаб бўлган? Тергов жараёнида маълум бўлишича, марҳума гурур деб аталмиш гўр туйғулар қурбони бўлган. Тумандаги 20-ўрта мактабнинг 9-синф қизлари юзма-юз суриштирувлар чоғида бўлиб ўтган воқеани атрофлиқа сўзлаб беришди.

Дилбар Бурхонова дугонаси билан ўзаро пачакилашиб қолишган. Аччиқ-чуққу гаплар оғизга келганда дугонаси уни синфдошлари орасида изза қилади. Нохай гапга чидай олмаган Дилбар йўлаганича уйига қайтган ва...

Ногаҳон танинган бир томчи қайнаган сув сачраса ёки «пилип» оташга қўлинг тегиб кетса, қанчалик оғринасан киши. Шуларни ўйлар эканман, ар-

зимаган айтишувни деб, бур-гага ачиқ қилиш шартмиди, — деган хулосага келаман.

Нега шошқалоқлик қилдинг, Дилбар қизим?

Туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қатор ишларни амалга оширомоқда.

Дилбарнинг мудҳиш кечинмаси янглиғ ўз жонига қасд қилиш каби ҳолат фақат онда — сондагина учраб туради. Лекин, азиз ёш йигит ва қизларимизга чин дилдан айтилган бўлсак, биз ота-оналар учун биргина ҳолатнинг қайд этилиши ҳам жуда оғир мусибат.

Ёмон куннинг бир яхши кунни ҳам бўлади, дейди халқимиз. Сабр-бардош билан бахтисаодатли кунларга етиш, фақат бир маротаба бериладиган ҳаёт лаззатларига қониб яшаганга не етсин.

Шухрат РАХИМОВ,
Тойлоқ тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

Самарқанд вилояти

1938 йил 15 январда ташкил этилган. Республиканинг марказий қисмида, Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган. Майдони 16,4 минг кв.км. Аҳолиси 2431,3 минг киши. Самарқанд шаҳри 1925-30 йилларда республиканинг пойтахти бўлган. Водийнинг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан ўртача 695 метр баландликдадир. 2500 йилдан зиёд тарихга эга бу шаҳарнинг қадимий харобаси Афросиёбдан бошланади.

КИЛМИШ-КИДИРМИШ

Хали ўттизни қораламаган аёл жиноят курсисиди ўтирибди. Унсиз йиғлайди. Кошки бу кунлар унинг туши бўлса... Айби контрабанда йўлини ихтиёрий танлагани.
«...Пул топиш учун 4 йилдан ортиқ вақт Россиянинг Самара шаҳрида юрдим. Федя билан ўша ёқда танишганмиз. 1999 йил юртимга қайтгач, у билан учрашмадим. Телефон орқали гаплашиб турардим. 2000 йилнинг ноябрида у меҳмонга келди.

ҚИСМАТДОШЛАР

— Бизнес қандай бўлаяпти? — сўради у гап орасида.
— Ёмонмас, эплаялман, — деб жавоб қайтардим.
— Хоҳласанг, йирикроқ иш бор, — тақлиф қилди у.
Қизикдим. Айтганига кўнсам, 3000 АҚШ доллари ишлаб олиш мумкин экан. Ўйлаб кўриб розилик билдирдим. Шу куни уйга анчагина героин олиб келди. Қандай қилиб бунди Тожикистондан Москвага олиб боришим ҳақида келишиб олдик. У 10 литрлик канистр топиб келди. Устага олиб бориб канистрни кестириб, гиёҳванд моддаларни иккита видео касетда қутисига жойлади. Бирининг устига 100 долларнинг ярим бўлагини ёпиштирди.

— Бу парол, Москвада сени шу орқали таниб олишади. Бунди топишарсан. Улар сенга келишган пулни беришади.

Шундан сўнг қутиларни сув қозғаб олиб ўраб, канистрнинг ичига жойлади. Идишнинг кесилган қисмини устага қайта яматиб, устидан кунжут ёғи қуйиб тўлдириди...

Бу судланувчи, Тожикистон фуқароси Светлана Азимованинг кўргазмаси. Жиноий тил бириктирилгач, шу тариқа 1 килограмм 151 грамм героини Тожикистондан Россияга Ўзбекистон орқали олиб ўтиш кўзланганди. Конибодом-Душанбе поездининг 11-вагониди келатган С.Азимова Самарқандда Москва поездига ўтиришга улгурмади. Транспорт милицияси ходимлари шубҳали кўринган аёлнинг юкларини кўздан кечириб жазм этишди...

Воқеа 27 декабрь куни содир бўлди. Светлана янги йилни йўлда эмас, хибсхонада қаршилади. Судланувчи ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли деб топилиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

С.ДОНИЁРОВ,
Пастдаргом тумани жиноят
ишлари бўйича судининг раиси

КИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

«УЧ ПАҲЛАВОН»

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир пайтлар Каттакўрғон шаҳридаги «Автобус таксомотор саройи» ҳиссдорлик жамиятида С.Х. деган одам раҳбарлик қилган экан. Худди шу пайтда мазкур ташкилотда И.И. деган бош муҳандиси Н.Э. исм-фамилияли ҳайдовчи ҳам бўлган экан.

Уларнинг иштаҳаси давлат мулкани еб битиришга келганда жуда очилиб кетаркан. Учовлон ўзаро тил бириктириб, «ҳажми-ҳатлиқда» ҳиссдорлик жамияти тасарруфиди бўлган «ЛАЗ-695» русумли автобуснинг 60 минг сўмлик орқа кўприги, «Урал-375» русумли давлат рақамли юк автомашинасининг 344 минг сўмлик олти дона шина-баллонлари, узатиш қутиси механизми, қардан вали, «ГАЗ-2401» русумли енгил такси автомашинасининг 15 минг сўмлик орқа кўприги, «ГАЗ-2410» русумли енгил такси автомашинасининг 20 минг сўмлик салон ички қисм механизмлари, шунингдек, бошқа автомашиналарнинг қисмларини бир ямлаб ютиб юборишди. Бундай оқофатликдан эса жамият манфатига ҳаммаси бўлиб, атиги 10.743.329 сўмлик мулкни зарар етказишди.

Устига устак С.Х. ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, бош муҳандис ва ҳайдовчи билан «аҳилиқда» «ЗИЛ-130» русумли 99-52 СНМ давлат рақамли автомашинага хизмат сафари деган ёлғон ҳужжат билан 38.175 сўмлик 430 литр бензин олиб, ёқилгини гаразли мақсадда ўзлаштириб юборишади.

Шундай қилиб, ҳиссдорлик жамиятининг бошқарув раиси, бош муҳандиси ва ҳайдовчиси ўзаро жиноий тил бириктириб, шахсий мулкни манфаатдорлиқни кўзлайдилар. Уларнинг мақсад сари жадал интилишлари эвазига жамиятга 1.781.505 сўмлик зиён етди.

Қизик, «ер юзиди биздан бўлак айёр ва муттаҳам, олғир кимсалар йўқ» деб ўйловчи, айнан шундай ўй-хаёллар билан иш юритувчи уч паҳлавон вилоятнинг олис бир чеккасидан бошқа чеккасига турли юмуш, зарурият билан йўлга чиқиб катта кўча бетиди кутиб ўтирган юзлаб ҳамюртлари тўғрисида ҳам бирор марта ўйлашганимкан? Бекагда соатлаб айторбус қутиб, вақтни зое кеткизган одамларнинг ўрнига ўзларини ҳеч қўйиб кўришганимкан? Шубҳасизки, улар елдан учқур хизмат автомобилларида бунди сира пайчамаган бўлишлари керак, йўқса, бошқача иш тутган бўлишарди.

Одатдаги эртаклардан фарқи равишда улар мурод-мақсадларига етмадилар. Ўйини, С.Х. ва Н.Э. Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбланиб, айбига яраша жазо олиб, текин ҳар вақт тешиб чиқиши муқаррар эканига ишонч ҳосил қилишди.

Шаҳобиддин ОБИДОВ,
Каттакўрғон шаҳар прокурори

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Фарзандлар таълим-тарбияси азалдан энг мураккаб ва ўта масъулиятли вазифалардан бири бўлиб келган. Чунки нотўғри тарбия меvasи бўлган ноқобил фарзанд нафақат ўз ота-онасига, балки бутун жамиятга ҳам ҳеч наф келтирмаслиги, қайтанга қатор муаммолар туғдириши ҳам ҳеч гап эмас. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, Ватанимиз эртаси эгалари ҳисобланмиш ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратилди ва бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳукуматимиз фарзандларимизнинг баркамол бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиб ҳаракат қилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори ёшлар таълим-тарбиясини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастурамал вазифасини ўтамоқда. Аммо, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай ҳамон вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Бу айрим жойларда ёшлар тарбияси билан шугулланиш бугунги кун талаби даражасида эмаслигини кўрсатади. Ҳатто бевоқифа вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиялар ҳам бу борада жиддий камчиликларга йўл қўймоқда.

Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани прокуратураси вояга ет-

маганлар ишлари билан шугулланувчи туман комиссияси фаолиятини текшириб, бир қатор хато ва камчиликларни аниқлади. Яъни, комиссия ишсиз юрган ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш у ёқда турсин, ҳатто жиноят содир этган болалар билан шугулланишни ҳам тўғри ташкил қилмаган. Уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Комиссия вояга етмаганлар таълим-тарбиясини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва бошқа йўналиш бўйича кўплаб режалар ишлаб чиққан бўлса-да, уларни тўлиқ ижро қилиш чораларини кўрмаган. Тумандаги таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган турли учрашувлар асосан туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ташаббуси билан ўтказилмоқда, холос.

Кўп ҳолларда вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб қолишда ота-оналарнинг ўзлари ҳам айбдор бўлаётир. Қорин гамини ўйлаган айрим ота-оналар ўз фарзандлари таълим-тарбияси билан етарли даражада шугулланишни лозим қўрмапти. Натижада қаровсиз қолган болалар мактабга қатнамай, қинғир ишлар билан машғул бўлишни одат қилаётир. Туман прокуратураси маҳалла раислари ҳамда мактаблар маъмурияти билан ҳамкорликда текширув ўтказ-

ганда, саккиз нафар ота-она ўз фарзандлари тарбияси билан шугулланиш мажбуриятини бажармаётганини аниқланди. Уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Текширишлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар асосан ишсиз юрган ёшлар томонидан амалга оширилмоқда. Шу сабаб туманда бундай ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилапти. Туманда ҳозир ишсиз юрган ёшларнинг барчаси рўйхатга олинган ва туман бандлик хизмати билан биргаллик уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш чоралари кўрилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида вояга етмаганлардан уч нафари ишга жойлаштирилди. Яна бир неча бола ҳунар ўрганиш учун турли касб-ҳунар мактабларига жўнатилди ва улар мунтазам назорат қилиб турилибди.

Кўндан кўнб қочиб қутилмас, деганларидек, фарзандлар таълим-тарбиясига ҳамма бирдек масъулият билан ёндашмоғи лозим. Шундангина, олдимизга қўйган мақсадларга яқинда тезроқ эришамиз. Таълим-тарбияси мустаҳкам, баркамол фарзандларга эга юртининг эртанги куни ҳам порлоқ ва раван бўлади.

Муҳиддин БЕКМУРОДОВ,
Темирйўл тумани прокурори

ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Қариялар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва у миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги ҳисобланади. Айниқш, етим ва ногирон болаларнинг бошини силаш, меҳрибонлик кўрсатиш энг савобли иш ҳисобланади. Мамлакатимизда бундай хайрли ишларни амалга ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, кўплаб қарор ва фармонлар, дастурлар қабул қилинди. Юртимизда мурувват тадбирларини ўтказиш анъанага айланган.

Афсуски, ҳали ҳам орамизда етим ва ногирон болалар ҳақида хиёнат қилаётганлар ва улар ҳисобидан кўн қўраётганлар бор экан. Айрим болалар ва меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаблар раҳбарлари давлат томонидан ажратилаётган маблағларни белгиланган мақсадларга сарфлаш ўрнига, талон-тарож қилишни одат қилмоқда. Улар мавжуд имкониятларга қарамай, болаларнинг таълим-тарбия олиши учун етарли шарт-шароит яратишни, бугунги кун талаблари даражасида ишлашни ўзига эп билмапти.

Сўёб туман прокуратураси тумандаги болалар ва меҳрибонлик уйлари, махсус мактабларда вояга етмаганлар таълим-тарбияси, соғлиги ва ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан текширув ўтказиб, шундай камчиликларни аниқлади. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги ақли заиф болалар 62-мактаб-интернатда ўқувчилар учун дарсликлар етарли эмас, «Маърифат ва маънавият» хонаси эса ҳужажурсинга ташкил қилинган. Мактаб-интернат раҳбарияти «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутиб, пулли тўғараклар ташкил этиш, ҳомиёлар билан ҳамкорлик қилишни ташкил қилмаган. Улар фақат давлат бюджети маблағларига таяниб қолишган, холос.

Энг ёмони, мазкур мактаб-интернат раҳбарияти давлат маблағларидан ҳам унумли фойдаланиш чораларини кўрмаган. Хусусан, дирек-

торнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари М.Қувондиқов буйруқ асосида Л.Тайгуновани кир ювувчи вазифасига ишга қабул қилган. Бироқ у ишга келмаган бўлса-да, мактаб-интернат хўжалик бекаси А.Тайгунова унинг номига ёзилган иш ҳақини ўзлаштириб олаверган ва шу тарзда давлатнинг 161369 сўм маблағи талон-тарож қилинган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мактаб-интернатда «Таълим тўғрисида»ги қонун моддаларига зид ҳолда айрим ўқитувчилар ўз мутахассислиги бўйича ишламаётгани аниқланди. Жумладан, логопед-олигофренопедагог мутахассислигига эга бўлган ўқитувчи И.А.матова рус тилидан, физик мутахассислигига эга бўлган ўқитувчи М.Ҳайитов эса меҳнатдан дарс бериб келган. Самарқанд шаҳридаги миллий ҳунармандчилик лицейи тикувчилик курсини битирган Н.Шамсиева мактаб-интернат раҳбарига қариндошлик алоқаси бўлгани туфайли меҳнат ўқитувчиси лавозимига қабул қилинган бўлса, кўп йиллардан бўён ушбу лавозимда ишлаб келган Д.Худойбердиева «мутахассислиги тўғри келмагани сабабли» кир ювувчи вазифасига ўтказилган. Аслида у ҳам шаҳардаги 33-хунар техника билим юртининг тикувчилик курсини битирган экан. Ҳатто муқаддам судланганлар ҳам меҳнат ўқитувчиси ва кечки тарбияни вазифаларида ишлаб келатганини қандай изохлаш мумкин? Мактаб-интернатда ўқитувчиларнинг дарс соатларини тақсимлаш ҳам тўғри йўлга қўйилмаган.

Тумандаги 101- ҳамда 116-болалар боғчалари фаолияти текширилганда, у ерда ҳам давлат маблағлари ноқонуний ҳолда ўзлаштиргани аниқланди. Юз берган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан прокуратура таъсир чоралари қўлланилди.

Мақсуд ТИЛАВОВ,
Сўёб тумани прокурори

ТАДБИР

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ -
ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ўтган ҳафтада пойтахтимизнинг «Мирзо Улугбек» номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимияти, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда Чилонзор туман прокуратураси ташаббуси билан Чилонзор туман ҳокимлиги, туман вояга етмаганлар ишлари комиссияси ҳамкорлигида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган ўсмирларнинг бўш вақтларини банд қилиш, уларнинг билимларини ошириш, туман ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан ҳамкорликда «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз» шиори остида ўсмирларнинг байрам сайли бўлиб ўтди.



Тадбирда тумандаги мавжуд 43 та маҳалладан ёшлар иштирок этишди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, дастурда режалаштирилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» танлови, мустақиллигининг 10 йиллик тарихига бағишланган савол-жавоб викторинаси, ўсмирларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган миллий ҳунармандчилик ва халқ ижодиёти намуналари кўргазмаси, турли хил спорт ўйинлари мусобақалари, туман ёш эстрада намоёндаларининг чиқишлари байрам сайлининг жуда файзли ўтишини таъминлади.

Байрам сўнггида энг яхши катнашчиларга шаҳар ҳокимияти, туман ҳокимияти, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман прокуратурасининг совғалари тақдим этилди. Июл ва август ойларида бундай байрам сайлларини пойтахтимизнинг барча туманларида режа асосида ўтказишга келишиб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

ИСТИҚЛОЛ ОБЪЕКТЛАРИ

УМИДЛАР ЧЕЧАК
ОЧМОҚДА

Фаргона вилояти саноат потенциалли жиҳатидан республикада иккинчи ўринни эгаллаб келган. Айниқса нефтқимё саноати, тўқимачилик саноати бир мунча тараққий этган. Бирок тўқимачилик саноатининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилмагани, асбоб-ускуналар эскириб, рақобатбардош маҳсулот етказиб бера олмаётгани туфайли ушбу тармок таназзулга ўш тутаетгани. Республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги кўраётган чора-тадбирлар натижасида у қайта тиклана бошлади. «Кобул-Фаргона Ко ЛТД» қўшма корхонаси бунга мисол бўла олади.

Қутлуг сана — истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида корхонанинг биринчи навбатини ишга тушириш учун қурилиб-монтаж ишларини жадал олиб бораётибиз. Чет эллардан келтирилган 132 та энг замонавий, юқори самарали ва сифатли маҳсулот берадиган дастохларни ўрнатиб, созлашга киришдик. Қурилишда бир ярим мингдан

ортиқ турли касбдаги ишчилар, қурувчи мутахассислар ишлашаёпти. Уларнинг ярмига яқини илгари Фаргона тўқимачилик комбинатида ишлаган тажрибали ишчи-муҳандис ва техник ходимлардир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 декабрдаги «Кобул-Фаргона Ко ЛТД» Ўзбек-Корея қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида собиқ тўқимачилик комбинатида қайта қуриш-но бошладик. Лойиҳанинг умумий қиймати 124 млн. 368 минг АҚШ доллари ташкил этади. Қўшма корхонанинг туғал Низоом фонди 38,5 млн. АҚШ долларида иборат. Унинг 50 фоизи «Фаргона тўқимачилик комбинати» хиссадорлик жамиятига, 47,4 фоизи Жанубий Кореянинг «Кобул-текстайл» фирмасига, 2,6 фоизи «Кобул-Ўзбек Ко» қўшма корхонасига тегишлидир.

Қўшма корхона қурилишини Япон халқаро ҳамкорлик банки, «Кобул-текстайл» фирмаси, Ўзбекистон

Тарбия тарозиси бузилган жойда ўғрилиқ, фахш, талончилик юз беради. Пировардида, бу жиноятларнинг охири қотиллик билан якун топиши ҳам мумкин. Хўш, бу фожеаларнинг сабаби нимада? Қотилликнинг пайини қирқиш мумкинми? Ана шу саволларга жавоб излаб мухбиримиз Тошкент шаҳар прокуратурасининг прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиғи Алишер МИРАСИЛОВ билан суҳбатлашди.

— Алишер Сахобоевич, маълумки, жиноятлар орасида энг оғир қотилликдир. Бунинг олдини олиш борасида шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари қандай ишларни амалга ошираёпти?

— Ҳақиқатан ҳам қотиллик энг оғир жиноят ҳисобланади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш ҳеч бир замонда оқланмаган. Мусулмончиликда бировни ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто ўзганинг дилини огритиш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Конституцияимизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» дейилган.

Энди жиноятлар тахлилига тўхталадиган бўлсам, пойтахт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг ўзaro савб-ҳаракатлари туфайли ўтган йили умумий жиноятчилик 8,9 фоизга камайган. Жумладан, номулса тегиш, босқинчилик, талончилик, автотранспорт воситаларини олиб қочиш ва бошқа тур жиноятларнинг бир мунча камайишига эришилди. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг аксарияти муқаддам судланган, нотинч оилаларда яшовчи, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган ҳамда турар жойининг тайини бўлмаганлар томонидан содир этилаёпти.

Қотиллик жиноятларига қарши кураш, унинг олдини олиш борасида доимий профилактик ишлар олиб борилишига қарамастан, бу борадаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайдми. Мисол учун С.Раҳимов, Ҳамза, Юнусобод, Яқсарой туманларида 1 тадан, Сирғали, Миробод, Мирзо Улугбек, А.Икромов туманларида 2 тадан, Чилонзор туманида 3 та қотиллик жинояти фош этилмасдан қолган.

тон Республикаси миллий банки, «Кобул-Ўзбек Ко» қўшма корхонаси маблаг билан таъминлаётми. Корхона тўла қуввати билан ишлаб бошлагач, 2 ярим минг киши иш билан таъминланади. Бир йилда 25 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, калава ил, хом газлама илаб чиқарилади. Бу маҳсулотларнинг 80-85 фоизини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Ушбу ёпиқ турдаги хиссадорлик жамияти келажақда тайёр маҳсулот — турли газламалар ва улардан тикилган кийим-кечақларни республика ва ҳақон бозорларига чиқариши кўзламоқда. Истиқлол йиллари шаҳарларда шунга ўхшаш тўқимачилик корхоналари қад ростлади. Бизнинг корхонамиз қуввати ишлаб чиқариш потенциалига кўра улар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Яқин келажақда республикамиз чет элларга хом-ашё — пахта толасини эмас, балки ундан тайёрланган тайёр маҳсулотларни экспорт қилишни кўпайтириб боришига корхонамиз ўз улушини қўшади.

Баҳоидир РАҲМОНОВ,
«Кобул-Фаргона Ко ЛТД» қўшма
корхонаси вице-президенти

ТЕРГОВЧИ ФАОЛИЯТИДАН



Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида ўқотар қуролдан фойдаланилган ҳолда содир этилган бир неча жиноят рўйхатида олинган.

Шу ўринда қотиллик жиноятларини қимлар содир қилмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Мен бу саволга ҳаётини қузатув-

ташкilotларнинг ўз вазифаларини бажармаслиги оқибатида баъзи муқаддам судланган шахслар назоратсиз қолмоқда ва улар яна жиноят содир қилмоқда. Шаҳар прокуратурасининг таҳлиллари шунини кўрсатмоқдаки, пойтахтимизда муқаддам судланганлар томонидан жиноят содир қилиш ошган. Масалан, жорий йилнинг 4 ойида Мирзо Улугбек, Юнусобод туманларида 1 тадан, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Миробод туманларида 3 тадан, Ҳамза туманида 4 та, Чилонзор туманида 5 та, Сирғали туманида 9 та, шаҳар бўйича жами 29 та муқаддам судланган шахслар қотиллик жиноятларини содир этган.

Бундай ноҳуш ҳолатлар таҳлил қилинганда, муқаддам судланган шахсларни ҳисобга олиш, такрор жиноят содир этишга мойил бўлганлар устидан назорат ўрнатиш чораларини қўришда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Масалан, муқаддам 4 марта судланган ва такрор жиноят содир этишга мойил бўлган С. Сидоренко 2000 йилнинг 20 февралда Юнусобод тумани суди томонидан 12 ой муқддатга маъмурий назоратга олинган. Туман ИИБ профилактика инспектори

ЛОҚАЙДЛИК
БОР ЖОЙДА...

ларимдан келиб чиққан ҳолда жавоб бермоқчиман. Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида гап борганда албатта оилавий тарбия ҳақида сўз боради. Чунки ҳар бир инсоннинг шаклланишида оиланинг тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Тарбияли оилаларда болалар фарзанд вояга етмайди. Бекорга донишмандларимиз оилани тарбиянинг ўчоғи деб аташмаган. Афсуски, ҳаётнинг ачақ-чуққуларини тотган айрим ота-оналар фарзандларига ҳаётда намуна бўлиш ўрнига ўзлари ҳам жиноятга қўл урмоқда. Масалан, Чилонзор туманида яшовчи Ж.Мағдалиев оилавий жанжал сабабли турмуш ўртоғини 3-қаватдан итариб юбориб, унинг ҳаётига зомин бўлган.

Сирғали туманида яшовчи К.Литвинов ҳам ўзaro оилавий жанжал оқибатида ўғли Сергейни қасдан ўлдириб, иккинчи ўғли Артеминнинг ҳаётига суиқасд қилган.

Тергов давомиди оиладаги муҳит ўрганиб чиқилганда, бу ҳондонда мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиниши аниқланди.

— Алишер Сахобоевич, кейинги пайтларда муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиламоқда. Бу борадаги ишларни кўнгилдагидек дейиш мумкинми?

— Ҳаёт мураккаб. Кимдир жиноятни билиб қилади, кимдир билмай. Лекин адолатли қонунларимизда ҳар бир жиноят учун қонуний жазо бор. Шахс ўз қилимиши учун жазосини ўтаб келган, у шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлади. Ўқиши, ишлаши, қўйинг-ки, жамиятдаги барча имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла ва кўни-қўнчилар шахсининг ҳаётда ўз ўринини топиши учун ёрдам беришлари зарур. Бирок, айрим

С.Соттиев С.Сидоренко билан профилактик ишлар олиб бормаган, уни бандлик хизмати орқали ишга жойлаштирмаган. Оқибатда орадан 2 ой ўтган, С.Сидоренко талончилик жиноятини содир қилган.

Ачинарлиси, айрим муқаддам судланганлар назорат қилинмаганлиги туфайли қотиллик жиноятларини ҳам содир қилишмоқда. Масалан, ўғирлик жиноятини содир этиб, амнистия акти асосида жазо ўташ муассасасидан қайтган В.Боравский шу йилнинг 7 майи куни маъмуриятда фуқаро Э.Абдумажидовни қасдан ўлдирган.

— Қотиллик жиноятининг содир қилинишига лоқайдлик сабаб бўлмаёттикимки?

— Қаердаки, лоқайдлик бўлса ўша жойда фожеа юз бериши мумкин. Негадир кейинги пайтларда одамларимизда бепарволик кайфияти кучайди. Ҳаёт ҳар биримиздан ҳушёр бўлишни талаб қилади. Айрим одамларимиз ҳали ҳам «жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг иши» деган эскича фикрдан воз кеча олмаётми. Мамлакатимизда яшайётган ҳар бир виждони уйғоқ фуқаро жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Жамиятимизда қонун устуворлиги тамойили шаклланимоқда. Шундай экан, халқимизнинг вазифаси бир тану бир қон бўлиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора билан ҳамкорликда жиноят содир қилинишига қарши курашишдир. Ўртбошимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, барқарорлик ва оқсоишталлик — энг катта бойлигимиз. Зеро, адолатли давлатнинг бош мақсади ўз фуқароларининг тинчлиги ва оқсоишталлигини таъминлашдир.

Суҳбатдош Зайниддин
МАМАДАЛИЕВ

МУНОСАБАТ

Охириг вақтларда бутун дунё ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари фаолиятида жиноятчиликка қарши курашнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланишга эътибор кучайди. Бу аввало, жиноятчиликнинг ўсиб бориши ва динамикаси, унинг янги кўринишлари, шу жумладан буюртма қотилликларнинг ўсиши билан боғлиқ. Тергов назарияси ва амалиётига жиноятни очишнинг ностандарт ёки ноанъанавий услубларини киритишга интилиш шу билан изоҳланади. Айбланувчи ва гумон қилинувчидан маълумот олишнинг қўшимча усуллари аввало, техник воситалар, фан-техника ютуқларидан жиноят процессида фойдаланиш билан боғлиқ. Агар айбланувчи бу ерда ҳам жиноят ҳақида маълумотларнинг манбаи сифатида қаралишини ҳисобга олмасак, воситаларнинг кўпайиши яхши, албатта. Фақат битта шарт билан — бу воситалар ахлоқ ва қонун нормаларига зид келмаслиги, инсон, унинг ҳаёти олий қадрият эканлиги ҳақидаги конституциявий қоидалар бузмаслиги, суд ҳатолари хавфини кучайтирмаслиги шарт. Бироқ айнан шу жиҳатдан баъзи усуллари қўллаш мумкин эмас. Ана шундай воситалардан бири полиграф ёки детектордир.

фикрлар билдирилмоқда. Жиноий-судлов ишларини юриштишда шахснинг алоҳида мақоми унинг фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларига таҳдид қилмаслигини қонун билан мустаҳкамлашни талаб қилади. Жиноят процессида янги техник воситалардан фойдаланишда инсон олий қадрият эканлигидан келиб чиқиш зарур.

Масала фақат ёлгон детекторда ҳам эмас. Маълумки, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти, махсус техника ва бошқа бир қатор фанлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни янги-янги техника ва илм-фан ютуқлари билан қуроллантирмоқда. Тўғри, жиноятчилар ҳам аноний эмас, улар ҳам ўз фаолиятларини мукамаллаштирмоқдалар. Бироқ жиноят процессининг бош вазифаси жиноятни очиш эмас, балки шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдир. Бинобарин, жиноят процессида ишлатилиши мумкин бўлган барча ноанъанавий усуллар тарозининг палласини айблов томонга

да иштирок этувчи шахснинг иродасига таъсир этувчи омилларнинг қай даражада чекланишидадир. ЖПК 88-моддаси 2-қисми 2-бандида қўрсатилган зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга қилоф бошқа йўллар билан қўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эриштириш таъкиклиниши эса ишлатилиши мумкин бўлган таъсир усуллари ифодадалаб бера олмайди.

Жиноят процессуал фаолиятида тезкор қидирув ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариётган турли шубҳали усуллар қўлланишининг олдини олиш учун Жиноят процессуал кодексига Германия Жиноят процессуал кодекси 136-моддасига ўхшаш, яъни «Терговнинг таъкиқланган усуллари» деб номланган модада киритиш зарур. Унда:

1. Айбланувчи, гумонланувчининг иродаси қўпол муомала, тинкани қуритиш, жисмоний таъсир, қийнаш, организмга махсус препаратлар юбориш ёки гипноз йўли билан бўклиши мумкин эмас. Қонунда белгиланмаган чоралар билан қўрқитиш ва қонунда қўрсатилмаган энгилликларни ваъда қилиш таъқиқланади.

2. Белгиланган таъқиқлар айбланувчининг розилигидан қатъий назар амалга оширилади. Ушбу таъқиқларни бузиб олинган қўрсатувлар далил сифатида ишлатилмайди, ҳатто айбланувчи (гумонланувчи) бунга розилик берса ҳам. Терговчи айбланувчининг иқрорини алдов, айёр-

ФИРИБГАР!

АРЗОН ЁҲ КЕРАКМИ?

Афанди айтганидай тугмадан хуштак ясаса бўлади, деган гапга ишонинг, лекин фирибгар арзон ҳўкиз ёки ёғ олиб бераман, деса асло ишониб орманг. Чунки «заҳар солмоқ касби эрур чаённинг» деганларидек, одамларни алдаш, фириб бериш унга теккан «касали»-дир. Фирибгар «касали» кўзиса ҳатто туққан онасини ҳам чўв тушириб кетар экан.

Шаҳардаги маҳаллалардан бирда жойлашган ишхонага ўрта ёшлардаги, оқ-сарикдан келган фаросатсизларча кийинган бир жувон терлаб-пишиб кириб келди. У иккинчи қаватга кўтарилди, ҳар бир эшикка бош сўкиб кўрди, ниҳоят, бир эшик остонасида тўхтаб, йўлакда кетаётган оқ халатли аёлдан Савринисони сўради.

— Мажлисга кетувади, келиб қолар. Унинг кими бўласиз? — сўради аёл унинг усти-бошига разм солиб. Жувоннинг чакаги очилиб кетди.

— Яқин ўртоғиман, опоқижон. Эсизгина, шунча жойдан кўтариб келибман-а, арзонгина ёғ сўровди, шунга идиш-пидиши бўлса қуйиб берай дедим. Ўргилай сиздан, мабодо, унинг уйини бил-майсизми?

— Тўққиз этажканинг ёнида туради, сўрасангиз айтиб беришар.

Аёл арзон ёғ дарагини эшитиб, нотаниш жувонни дераза ёнига етаклаб борди.

— Арзон деясизми, килоси қанчадан ўзи?

— Дугонамга 500 сўмдан олиб келдим. Бир учраб қолди-да. Ўзимга бир бидон олволдим.

— Мангайм 10 кило бера қолинг.

— Идишингиз борми ўзи?

— Уйим шу атрофда, ғиз этиб бориб келаман. Айтгандай, ёгингиз қани?

— Мошинда, анави, ЗАГСхонанинг олдида турибди, шопир бу ёққа йўлни тополмади.

Аёл мен ҳозир деб кетмоқчи эди, жувон енгидан тутди.

— Ўргилай сиздан, ёнимда йўлқирагайм пулим қолмапти, таксини ёллаб келганман, саргайиб кутиб ўтирмасан тагин, пулини сиздан олиб тўлаб тура қолай.

— Вой, эсим қурсин, ман ҳозир. Аёл зипиллаб йўлак охиридаги хонага кириб кетди. Зум ўтмай бир даста пул кўтариб келди.

— Мана, ярми, қолганини уйдан олиб келиб бераман.

— Тезроқ бора қолинг, опоқижон, кутаман, — жувон пулни олгач, зипиллаб зиналардан тушиб кетди...

Савринисо мажлисдан қайтиб келганида ҳамкасблари унинг кўчадан келган «дугонасини» кизгин муҳокама қилишгаётган экан.

— Қанақа жувон? Нега менинг дугонам бўлар экан? Менинг анақа таниш-билишим йўқ ахир! Эҳ, ... олажон, зап фирибгарга йўлкизсиз-аку.

Бу пайтда фирибгар жувон аллақачон бошқа маҳаллага етиб улгурган, хонадонлардан бирининг эшигини тақиллаётган эди.

— Саломатхонинг уйлари шуми, мендан шакар илтимос қилувчида...

Айтишларича, бу фирибгар аёл гоҳ у, гоҳ бу маҳаллада аниоларни овлаб юрар экан. Мабодо, йўлкиз қолсангиз, эслаб қолинг: чап ё ўнг қўлида қуйишдан қолган чандиги бормиш...

ШОИРА ШАРИПОВА,

Тошкент шаҳри



лигини ҳеч ким инкор этолмайди. Учинчидан, полиграфнинг жиноятни очиш воситаси сифатида қонунийлаштирилиши полиграфик тадқиқот натижаларини амалиётда далил сифатида ишлатишга олиб келиши мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина терговчилар полиграфик тадқиқот натижаларидан далил сифатида фойдаланишга мойилдирлар. Шу сабабдан жиноят процессида полиграфдан фойдаланиш инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг замонавийлик талабларига жавоб берайди. Чунки терговчи, прокурор, судья полиграфик тадқиқот натижаларини далил сифатида расмий баҳоламаганида ҳам ушбу натижа унинг онгига, қабул қиладиган қарорларига таъсир ўтказида. Шахснинг айбдорлигига ишончини мустаҳкамлайди. Тезкор-қидирув фаолиятида полиграфдан фойдаланиш эса шахс ҳуқуқларига даҳл қилмайди. Ҳуқуқий адабиётларда фан-техника тараққиёти ва унинг турли шаклларида жиноят процессига кириб келишига турлича

оғдириб, мувозанатни бузмаслиги, айбланувчи, гумонланувчи ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига руҳий зўрлик ишлатмаслиги керак. Тезкор ҳодимлардан бири ноконуний қамоққа олинган шахслардан бири прокурор қаҳрлирилишини талаб қилганида ўзини прокурор сифатида таништириб, унинг ҳимояга бўлган умидларини пугча чиқарганлигини мароқ билан гапириб берди. Нима бу, инсон ҳуқуқлари, умуман Конституцияда белгиланган шахс ҳуқуқлари устидан қулишими? Тезкор ҳодимлар шахсга таъсир ўтказишнинг саноксиз усуллари билдиляриқ, буларнинг ҳаммаси ҳам қонун доирасида эмас. Чунки қонуннинг ўзи жиноятни очиш учун ишлатилиши мумкин бўлган воситаларнинг қатъий чегарасини белгиллаб қўймаган. Бунда далил сифатида ишлатилиши мумкин бўлган маълумотлар кўзда тутилмапти. Масала жиноят процесси-

лик, таҳдид ёки бошқа усуллар билан ола олмаслигини қонун йўли билан мустаҳкамлаш зарур. Яъни, айбланувчининг (гумонланувчининг) нафақат процессуал, балки унинг ҳуқуқларининг криминалистик қафолатлари (яъни терговнинг айбланувчи ҳуқуқларига пўтур етказадиган усул ва воситалари) белгилаб қўйилиши шарт. Процессуал қафолатлар айбланувчи томонидан суистеъмол қилиниши мумкинлиги ҳам ҳақиқат. Бироқ процессуал қафолатларнинг бўлмаслиги зўрлик ва зулм учун йўл очади. Жиноятчиликка қарши янги усул ва воситаларни қидириш шахс ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига даҳл қилмаслиги керак. Чунки инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги ҳақидаги конституциявий қоида муҳаддасдир.

Б.МҲИНОВ,
ҳуқуқшунос

Ёлгон детектори махсус тайинланган саволлар ёки тестларга инсоннинг психофизиологик реакциясини қайд қилишга мўлжалланган ускунадир. Унинг муқаддам бир неча бор асосли тақид қилинишига қарамасдан бугунги кунда унга эътибор кучаймоқда. Ўтган асрнинг ўрталарида АҚШда ёлгон детекторининг қўлланилиши минглаб айб-сиз шахсларнинг ноҳақ судланишига олиб келган эди. Бугунги кунда Гарбнинг кўпгина давлатлари ёлгон детекторидан жиноят процессида фойдаланишдан воз кечганлари бежиз эмас. Полиграфга жиноят процессида «фоз қилувчи» сифатида қараш гоёсига қарши чиқиш учун анча жиддий асослар мавжуд. Биринчидан, қўрсатувларнинг ёлгонлигига мос келувчи психофизиологик реакцияларнинг симптомкомплекс мавжуд эмас. Иккинчидан, полиграфда психофизиологик тест ўтказиш сўрок қилувчининг эркин иродасини бўклиш, уни жиноят процесси субъектидан объектига айлантириш воситасидир. Яъни, бунда шахс маълумот олиш объектига айланади. Англиялик олимларнинг кўпдан-кўп экспериментал тадқиқотлари натижаларига қўра шахс ва унинг қўрсатувларини полиграфик тестда текширилганда ҳаттолик эҳтимоли тахминан эллик фоизни ташкил этар экан. Полиграфдан жиноят процессида фойдаланиш тарафдорлари буни исботлашда мустақил восита сифатида ишлатиш мумкин эмаслиги тушунган ҳолда, аппаратдан жиноятларни тергов қилишда исботловчи эмас, балки йўналтирувчи ёрдამчи маълумотлар олишда фойдаланиш фикрини илгари сурмоқдалар. Бир қарашда бунда айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ҳеч қандай хавф йўқдай, аксинча, юзга келган гумонларни барараф этиш учун қўлланилади. Бунинг устига аппарат фақат айбланувчининг розилиги билан қўлланилади. Бунга ҳақли равишда полиграфда мажбурий текширилганда шахсга нисбатан руҳий зўрлик ишлатиш қонун ва ахлоқ билан таъқиқланган ҳаракатлар бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Бироқ жиноят процессида полиграфдан фойдаланиш масаласи кўриб чиқилганда салбий жиҳатлари кўзга яққол ташланади.

Аввало, шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, полиграф асосан айбланувчи, гумонланувчининг айбсизлигини исботлаш учун эмас, балки жиноятни очиш учун ишлатилади. Бинобарин, унинг ишлатилиши айбланувчи ва гумонланувчининг процессуал ҳуқуқларига таҳдид қилмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди.

Иккинчидан, полиграф воситасида текшириб қўрилган ихтиёрий рози бўлиш шартли тушунча. Текширувдан бош тортиш фактининг ўзи баъзи бировлар учун жиноят содир этганиликка далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг устига ихтиёрий равишда полиграфда текширув ўтказишга розилик беришга мажбур қилиш мумкин.

РЕКЛАМА**РЕКЛАМА**

A System Integration Company

Консалтинг

Вычислительная техника

Периферия

Программное обеспечение

Сети

Обслуживание

Вы можете найти нас по адресу:
700100 г. Ташкент, ул. Бобура, 20, комп. 220.
Тел.: 998 (712) 54-26-46. Факс.: 998 (712) 53-26-06.
e-mail: alicomp@online.ru

Будем рады сотрудничеству с Вами!



КОМПЬЮТЕРЛАР

ВА
ПРИНТЕРЛАР

SARKOR

INTERNETGA

БОҒЛАНИШ


тел.: 132 00 00

info@sarkor.com

«ХОРАЗМ МАВЕРА ПЛАСТ» ҚУШМА ҚОРХОНАСИ

- кабинет йиғмалари
- ётоқхона гарнитурлари
- ошхона гарнитурлари
- болалар хонаси
- компьютер столлари, жавонлар, эшик ва ҳ.к.

ПВХдан тайёрланган 16-150 ммли қуёурлар, 4,8,14,15,22 л.ли бидонлар, 5,10,17,25 л.ли канистралар, 1 ва 2 л.ли бутилкалар, турли хил пакетлар



Сизнинг чизма ва андозаларингиз асосида буюртмалар қабул қиламиз ва тайёрлаб берамиз.

Маҳсулот намуналари билан қуйидаги манзилда жойлашган савдо уйида танишишингиз мумкин:

Тошкент ш., Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 41.
(Мўлжал Фарҳод бозори)



Телефонлар:
(997-712)
74-20-46,
74-29-29,
75-16-19

Республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан дилер ва дистрибьюторларни ҳамкорликка таклиф қиламиз.

«АЁЛ САХОВАТИ» ФИРМАСИ

Замонавий
касбларни
ўқиб,
ўрганишингиз учун
ўқишга
таклиф
этади.

Манзил: «М-26», 4 қаватли 10-уй, 1-хонадон. Мўлжал: Чорсу эски трамвай йўли, «Гулобод» маҳалласи.
Тел.: 42-13-61, 199-47-05, 46-19-45.

3 ойлик

1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
2. Араб тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
3. Ақшуерлик - амалиёт билан.
4. Хамширалик - амалиёт билан.
5. Бичиш ва тикиш - амалиёт билан.
6. Сартарошлик - амалиёт билан.

2 ойлик

1. Компьютер (болалар ва катталар учун)
2. Косметология - амалиёт билан.
3. Массаж - амалиёт билан.
4. Аёллар костюми ва плаши, пальтосини тикиш - амалиёт билан.
5. Замонавий пардалар, чойшаблар ва безакли ёстиқлар тикиш - амалиёт билан.
6. Торт, пишириқлар ва салатлар тайёрлаш.
7. Тарбиячилик - амалиёт билан.

1 ойлик

1. Тўқувчилик - амалиёт билан.
2. Маникюр ва педикюр - амалиёт билан.

Ўқишни битирганларга диплом берилади. Ўқиш жараёни сиз хоҳлаган усулда.
Қабул вақти: соат 9.00 - 16.00.

РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ


Тел: 77-68-67, 77-59-31.

Факс: 77-68-67.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ТОШКЕНТ ЛОК-БҮЁҚ ЗАВОДИ» ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



ВАТАНИМИЗ мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашимизга ҳам санокли кунлар қолди. Бугун мамлакатимизнинг қаерида бўлманг ушбу байрамга қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, Ўзбекистон шу кунларда ҳақиқий қурилиш майдониغا айланган. Юртимизнинг барча ҳудудларида маъмурий ва турар-жой бинолари, коллеж ва мактаблар, шифохона ва маданий-маиший иншоотлар қуриш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қурувчилар истиқлол байрамига муносиб тўёна тайёрлаш мақсадида бор имкониятини ишга солишга ҳаракат қилмоқда. Халқимиз ҳам шундай байрам, тўй-ҳашамларни яхши кўради. Ўтирганда, турганда доимо тўй қилсам, халққа ош берсам, деб ният қилади. Ёзининг жазирасига қарамай, шу кунларда кимдир бўлажак тўй учун уй-жойини таъмирлашни бошлаган. Яна кимдир фарзандига яхши ниятлар билан уй қуриб бериш билан машғул. Бу ўз-ўзидан қурилиш маҳсулотларига талабнинг кескин ошишига олиб келади. Шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ишчи-хизматчиларнинг эса қўли-қўлига тегмайди. 56 йиллик тарихга эга бўлган «Тошкент лок-бўёқ заводи» очик акциядорлик жамиятида ҳам бугун иш қизгин. Жамият мамлакатимиз аҳолисини сифатли ва арзон лок-бўёқ маҳсулотлари билан таъминлаш каби энг масъулиятли вазифани аъло даражада бажаришга бел боғлаган.

Бозор иқтисодиёти тадбиркорлиқни хуш кўради. Раҳбар иш кўзини билмадимиз, маҳсулот сифати пастми, тамом, корхона тўхтаб қолмиши ҳеч гап эмас. Ўтган 10 йил ичида не-не корхоналар ўз фаолиятини тўхтатмади, дейсиз. Айримлари ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлмай, ҳамон судралиб келаётди. «Тошкент лок-бўёқ заводи» ОАЖ эса нафақат ўтиш даври қийинчиликларини енгиб келмоқда, балки бугунги кунда мамлакатимизда муваффақият билан фаолият кўрсатиб келаётган йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон лок-бўёқ саноатининг тарихи ҳам айнан ушбу корхона билан боғлиқ. 1945 йилда минерал хом-ашёларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи «Недра Средней Азии» кичик артели қошида «Тошкент лок-бўёқ заводи»нинг мўъжазгина корхонасини бунёд этиш бошланганди. Бу корхона нафақат Ўрта Осиёни, балки Сибирь, Ўрол, Ўзоқ Шарқ, Болтикбўйи минтакаларини ҳам лок-бўёқ маҳсулотлари билан таъминлаш лозим эди. Орадан икки йил ўтиб, заводда ilk маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди.

Ўтган вақт давомида корхона бир неча баробар кенгайди: замонавий ишлаб-чиқариш технологиялари ўрнатилди ва шунга яраша маҳсулот тури кўпайди, сифати эса янада яхшиланди. Ўрта Осиё минтақасида энг йирик ҳисобланган ушбу корхонада ҳозирги вақтда эмал ва конденсациал смола лоқлари, грунтровка, металл таралари, халқ эҳтиёжи учун зарур

бўлган турли рангдаги бўёқлар, шунингдек, қуруқ пигмент ва цинк белилалари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона тез орада Россиянинг кўплаб шаҳарлари, жумладан, Москва, Омск шаҳарларида ўзининг савдо уйларини очди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини бозор иқтисоди шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиб, ютуқларни қўлга киритаётди. «Тошкент лок-бўёқ заводи» ҳам 1999 йилдан бошлаб акционерлик жамиятига айлантирилди ва корхона ҳақиқий эгаларини топди. Замонавий иш усули корхона фаолиятининг такомиллашувига, маҳсулот харидоригирлиги ва рақобатга бардошлилигининг янада ошишига кенг имконият яратди. Аҳолининг лок-бўёқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, энг муҳими, уларнинг узогини яқин қилиш мақсадида Тошкент ва Фарғона водийсида шўъба корхоналарини очди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида «Тошкент лок-бўёқ заводи»нинг фирма-магазинлари очилган.


Маълумки, қайси корхонада хизматчиларга ишлаш ва дам олиш учун етарли шарт-шароит яратилган бўлса, уша корхонада иш унуми ҳам юқори бўлади. «Тошкент лок-бўёқ заводи»да мазкур ақидага ярим асрдан буён амал қилиб келинади ва корхонада ишчилар учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Теким овқат, ювиниш ва дам олиш хоналари, тезкор тиббий хизмат... Айниқса корхонада ишчиларни спорт билан мунтазам шуғуллантириш орқали уларнинг соғлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган ва бунга кенгроқ тўхталмасдан илож йўқ.

Корхонада икки йилдирки жамият ишчилари ўртасида футбол бўйича «Тошкент лок-бўёқ заводи» соврини учун мусобақа ўтказиш анъанага айланган. Ўтган йилги мусобақада 110 кишидан иборат 11 та жамоа иштирок этган эди. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси, «Динамо» спорт жамияти ҳамда Мирзо Улугбек тумани «Қамолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу галги мусобақада 12 жамоа иштирок этди. Спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишлари учун корхона ишчиларига «Динамо» спорт жамиятининг эшиклари доимо очик. Жумладан, ишчилар ва уларнинг оила аъзолари спорт жамиятида тренажер заллари, чўмилиш ҳавзалари, теннис, баскетбол, волейбол майдонлари, шашка ва шахмат хоналари хизматидан фойдаланиш имкониятига эга. Завод томонидан турли совринли мусобақалар ўтказиш эса анъанага айланган.

Ҳақиқатан ҳам корхона бугунги кунда обрў-эътиборга эришиш, маҳсулоти сифатлилигини таъминлаш учун катта йўлни босиб ўтди, муаммо ва қийинчиликларни бартараф этди.

«ЗАФАР - U»

ҳиссадорлик жамияти
яқинлашиб келаётган
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 10 йиллиги билан
бутун ўзбек халқини
муборакбод этади ва гузал Ватанимиз
келажаги порлоқ бўлишини
тилайди.



РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ЗУККО» фирмасы ўқув
марказиСизларни замонавий касбларни ўргатадиган
ўқишларга таклиф этади.**3 ойлик**

Бичиш-тикиш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Бошловчилар учун инглиз тили. Бир ойга -
3500 сўм.
Инглиз тили (давом эттирувчилар учун.) Бир
ойга - 4000 сўм.
ТОЭФЛ. Бир ойга - 6000 сўм.
Акушерлик. Бир ойга - 4000 сўм.
Теле-радио ўсталари. Бир ойга - 3500 сўм.
Бухгалтерлик. Бир ойга - 3500 сўм.

2 ойлик

Хар хил торт, салатлар тайёрлаш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Сартарошлик. Бир ойга 3500 сўм.
Массаж (умумий).
Бир ойга - 3500 сўм.
Ўй хамшираси.
Бир ойга - 3500 сўм.
Энг замонавий усулларда «Элита» пардала-
ри ва чойшабларини тикиш.
Бир ойга - 4000 сўм.

1 ойлик

Тижорат ва озик-овқат дўконлари учун со-
тувчилар.
Бир ойга - 6000 сўм.

! Ота-оналар диққатига

5, 6, 7 ёшли болаларга инглиз тили ўргати-
лади.
Бир ойга - 3500 сўм.

Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан
таъминланадилар.

МАНЗИЛ: Метронинг «Тинчлик» бекати. «Азиза Сайфи қизи» ательесининг ичида. «Адиас» дўкони ёнида. Тел.: 42-36-71.

Замонавий ва
ишбилармон, оқина
ва назарда,
саронжонч
саришта
бўлишингизда
«ЗУККО»
Сизнинг энг ақил
қўнақингиздир!

«SAMSUNG»қуш - ёз
кондeциoнepлари

«СИНТА» фирмасы «SAMSUNG» компаниясининг қуш-ёз

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 18. Тел.: 50-47-67.

**ДЎКОНИ**

«Мерседес»,
«Форд»,
«Волво», «ДЭУ»,
«Опел», «Ауди»,
«Нексия», «Тико» ва
«Дамас» автомобил-
лари учун эҳтиёт
қисмларни энг
арзон нархларда
харид қилишга

ҲАҚ ТўЛАШ — Сиз истаган усул!



МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Қаҳҳор
кўчаси, 32-уй.
Тел.: 55-66-72,

ФИЛИАЛАРИМИЗ:

Усмон Носир кўчаси,
20-уй.
Тел.: 55-42-88.
«Фарход» бозори,
Авторымарка. Тел.: 75-88-42.

А.ЗОКИРОВ ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Олий навли, юқори сифатли ва ҳушбўй, сертификатланган
«Ҳушрўй» мурчларини харид қилишга таклиф этади.

Маҳсулотлар 1/15 гр. ва 1/25 гр.
пачкаларга қадоқланиб сотувга чиқарилмоқда.

1/15 гр.ли пачкалардаги янчилмаган маҳсулотнинг баҳоси 105 сўмдан;
1/25 гр.ли пачкалардаги янчилган маҳсулотнинг баҳоси 170 сўмдан.

Маҳсулотлар пул ўтказиш йўли билан
ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Тошкент - 700160, Сирғали тумани, Беруний кўчаси, 3-уй.
Тел.: 90-54-81, 34-87-21.



РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.

Fax: 77-68-67.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР ● ШАРҲЛАР

МУҲОЖИРЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Якшанба кuni Испания полицияси мамлакат жанубида, Атлантика қирғоқларида олти нафар шимолий африкалик эркак жасадини топди. Полиция тарқатган хабарга кўра мамлакатга яширин ўтган 130 нафар муҳожир ҳибсга олинган. Африкаликлар ўлимига океандаги довул сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Чунки жасадларнинг иккитаси қайикдан топишган. Хабарда айтилишича, Гибралтар орқали яширин тарзда Испанияга ўтаётган муҳожирларнинг асосий қисмини марокашликлар ташкил этмоқда. Шу йилнинг олти ойида Испания ҳукумати томонидан 5 минг нафар марокашлик шахс ушланиб, мамлакатдан чиқариб юборилган.

МУҲОЛИФАТ АЙБЛАНМОҚДА

Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид ўз сиёсий муҳолифларини мамлакатда давлат тўнтарыни қилишга уринишда айблади. Душанба кuni Россиянинг «Новости» ахборот агентлигига келган хабарга кўра Индонезия раҳбари талабалар ҳузурида сўзга чиқиб, парламент йўли билангина ҳокимиятдан махрум этилиши мумкинлигини эътироф этган. Шу билан бирга давлат бошлиғи парламент депутатларида унинг қонунларни бузганлигига доир «ҳеч қандай далил-исбот йўқ»лигини ва импичмент жароғини фақат қонун чиқарувчиларнинг кўпчилик овозини олишга қаратилаётганлигини таъкидлаган. Ҳокимиятни бундай тартибда алмаштириш Воҳиднинг фикрига кўра «давлат тўнтарышдан бошқа нарса эмас». Индонезия олий ҳокимият органи - Халқ мажлисидаги конгресси президент Воҳиддан 1 августда бўладиган конгресснинг махсус сессиясида 20 ойлик давлат бошқаруви даврида қилинган ишлар ҳақида ҳисоб беришини талаб қилмоқда. Шу билан бирга қонун чиқарувчилар коррупция билан боғлиқ икки ҳолатда далиллар етарли эмаслиги сабабли президентга айблов қўйишни рад этдилар.

МАНИЛАДА НАМОЙИШ

Якшанба кuni 500 нафарга яқин малайзиялик давлат ҳавфсизлиги тўғрисида қўнунга қарши норозилик белгиси сифатида пойтахтдаги қамқоқона биноси олдида тўпланиди. Улар мазкур қонун ҳукумати муҳолифатчиларни суд қилмасдан туриб қамқоқ олишга имкон берадиган деб ҳисоблашмоқда. Намойиш қатнашчилари барча сиёсий махбустлар устидан суднинг душанба кунёқ ўтказилишини талаб қилмоқдалар. Бунинг оқибатида намойишчиларнинг 30 нафарга яқини полиция томонидан ҳибсга олинди. Улар орасида ҳукуматга қарши суиқасд уюштиришда айбон қамқоқ жасосига ҳукми қилинган собиқ молия вазири Анвар Иброҳим тарафдорларидан бирининг рафиқаси ҳам бор.

УЧУВЧИСИЗ «ПҲЛАТ ҚУШ»

Америкалик олимлар томонидан яратилган қуёш энергияси билан ҳаракатланувчи учувчисиз «Гелиос» самолётини қарийб 23 минг метр баландликка олиб чиқишга муваффақ бўлиди. Бу улкан «пўлат қуш»нинг қанотлари қўлчи 74 метр, фюзеляжи икки ярим метрга чўзилган. «Гелиос» Американинг Гавайидаги ҳарбий базасидан учирилган эди. Тадқиқотчилар шу йилнинг ўзидаёқ парвоз баландлиги рекордини янгилашга бел боғлашган. Уларнинг мақсади - «Гелиос»ни 30 минг метр юксакликка олиб чиқиш. Бу масофа оддий тижорат рейсларини амалга оширувчи самолётларнинг парвоз баландлигидан салкам уч баравар юқоридир. Самолёт шовқинсиз учиши тўғрисида унинг радар орқали топишнинг иложи йўқ. Америкалик етакчи мутахассислар ундан нафақат тижоратда, балки ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланса бўлади, дейишмоқда.

ПЕКИН — 2008 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ПОЙТАХТИ

Бир неча кундирки, хитойликлар Москвадан тарқалган хушхабар нафаси билан яшашмоқдалар. 13 июль кuni Россия пойтахтида бўлиб ўтган Халқаро Олимпиада Кўмитасининг 112-сессиясида Пекин 2008 йилги олимпиада ўйинларини пойтахти деб топилди. У жаҳоннинг энг катта мусобақаларини ўтказишга даъвогарлик қилган Истамбул, Осака, Париж ва Торонто каби ман-ман деган шаҳарларни ортда қолдирди. Мазкур сессияда яна бир муҳим масала кўриб чиқилиб, Халқаро Олимпиада Кўмитаси янги президентининг номи маълум қилинади.




КИМДИР ҲАЙРАТДА, КИМДИР ХАВОТИРДА

Душанба кuni британиялик гаввослар «Курск» атом сувоисти кемасини денгиз тубидан қўтариш бўйича ишлаб чиқилган халқаро операцияни бошлаб беришлари кутилмоқда. Маълумки, мазкур сувоисти кемаси қарийб бир йил илгари кетма-кет портлашлар оқибатида Баренц денгизига чўкиб кетган эди. Лекин ҳанузгача портлашларнинг сабаблари ҳусусида аниқ тўхтамага келингани йўқ.

Би-би-си мухбирининг хабар беришича, улкан кемани сув остида қўтариш тадбирини амалга ошириш осон бўлмайди. Россия, Норвегия ва Буюк Британия гаввослари иштирок этадиган операцияни «Майо» кемасидан туриб бошқариш кўзда тутилмоқда.

Шуни айтиш керакки, режага мувофиқ дастлаб британиялик гаввослар «Курск»ни кўздан кечириб, ўтган вақт давомида унинг корпусини денгиз чиқиндиларидан тозалайдилар.

«Курск»нинг сув остида олиб чиқилишига кимдир қизиқиш ва ҳайрат билан қараётган бўлса, ана кимдир хавотирини билдираётган. Жумладан, Норвегия ҳукумати операцияни ўтказишни кечиктиришга ва дастлабки тайёргарлик ишларига қўпроқ вақт ажратишга чакирмоқда. Кемани олиб чиқиш бўйича лойиҳанинг дастлабки босқичида иштирок этган компаниялардан бирининг вакиллари тадбирни ўтказишдан бош тортганликлар сабабини айнан режалаштириш ва тайёргарлик кўриш учун қисқа муддат ажратилганлиги билан изоҳлашди.



КОРЕЯДА ТАБИИЙ ОФАТ

Жанубий Кореяда бир неча кун давом этган қучли жала сув тошқинлари ва кўчиқларни келтириб чиқарди. Якшанба кuni жала тинганига қарамай, ҳукумат вакиллари довул мамлакат жануби томон силжиб бораётганини билдириб, аҳолини огоҳлантирмоқдалар. Табиий офатдан Жанубий Корея пойтахти ва унинг теварагидаги ҳудудлар кўпроқ зарор кўрган. Мамлакатнинг минглаб аҳолиси табиий офат ҳудудидан кўчириш марказидан бошпана топи, юзлаб корейликлар сув оқизиб кетган автомобилларидан умид узишди.

МУНОСАБАТ

«ТУРОН»ДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мамлакатимизда спортни, айниқса футболни ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти. Бу борада Қорақалпоғистонда ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Нукуснинг «Турон» (илгари «Орол») футбол жамоаси Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган бўлса, Қорақалпоғистон чемпионатида туман ва шаҳарлардан 15 та жамоа қатнашмоқда.

«Орол» футбол клуби 1990 йил ташкил этилди. Дастлабки йили собиқ Иттифоқ чемпионати 2-лигасида иштирок этиб, мавсум охирида 16-ўринни эгаллади. Кейинги йили жамоа таркиби Қорақалпоғистон футбол мактаблари тарбияланувчилари билан қучайтирилди. Айниқса, Қодир Ибрагимов, Қувват Тўраев, Леонид Тигай, Максуд Абдуллаев, ака-ука Қуттибоевлар яхши ўйнадилар. Натижада жамоа 2-ўринни эгаллаб, келгуси йили Ўзбекистон чемпионати олий лигасида ўйнаш ҳуқуқини кўлга киритди.

Жамоа олий лигада иштирок этар экан, қучлилардан ҳисобланган Тошкентнинг «Пахтакор», Жиззахнинг «Сўғдиёна», Бухоронинг «Нурафшон» жамоалари устидан чиройли ғалабаларга эришди.

1994 йили жамоа маблаг етишмаслиги тўғрисида яхши ўйин кўрсатолмай олий лигадан түшиб кетди. Шундан сўнг Неъматулла Қуттибоев Фарғонанинг «Нефтчи», Қодир Ибрагимов Чимкентнинг «Сиф-Ўрдабози», Мақсатилла Қуттибоев, Бердах Оллониевлар «Хоразм», Қувват Тўраев, Омонбой Абдуллаевлар эса Муборакнинг «Машъал» жамоаларида ўйнади. Албатта тажрибасиз маҳаллий йигитлар билан биринчи лигада ўйнаш осон бўлмади.

Шахсан Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари билан Нукуснинг «Орол» жамоасига яна олий лигада ўйнаш ҳуқуқи берилди. Ўртбошимиз Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгесининг сессиясида сўзлаган нутқида «Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида Қорақалпоғистонда битта ҳам жамоа иштирок этмаётганини қандай тушуниш мумкин?» — деган эди. Бу футболчиларимизга қанот бағишлади. Шундай қилиб, 2000 йил Қорақалпоғистон футболчиларига олий лигада иштирок этиш учун яна бир имконият берилди. Шу йили жамоа номи «Турон» деб ўзгартирилди.

Бир неча йил Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида ўйнаган Қувват Тўраев жамоага бош тренер этиб тайинланди. Ўтган йили олий лигада ўйнаш нуқсисликлари учун оғир бўлди. Биринчи даврдан сўнг жамоа турнир жадвалида сўнгги ўринларга түшиб қолди. Ўтказилган 20 та ўйиндан фақат 2 тасида ғалабага эришган бўлса, 5 ўйинда дуранг натижада қайд этилди. 13 та ўйинда мағлубиятга учрашди.

Ўзбекистон футбол федерацияси олий лига ўйинларини қучайтириш мақсадида мавсум охирида 4 та жамоа олий лигани тарқ этишини маълум қилди. Биринчи даврдан сўнг Қорақалпоғистон футбол федерацияси, Нукус шаҳар ҳокимияти қандай бўлмасин жамоанинг олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш йўллари излади. Бунинг учун Ўзбекистоннинг қучли жамоаларида түп сураётган Қорақалпоғистонлик футболчиларни жамоага таклиф этиш керак эди. Раҳбариятнинг савий-ҳаракатлари билан Ангреннинг «Семурғ» жамоасидан ака-ука Қуттибоевлар, Тошкентнинг «Академия» жамоасидан Серик Жағалтаевлар иккинчи даврда жамоага қўшилди.

Таркиби бироз қучайган «Турон» шундан сўнг яхши ўйин кўрсатди. Иккинчи даврда жамоа 8 ғалаба, 2 дурангга эришди. Мавсум охирида 37 очко тўплаб, олий лигадаги ўрнини сақлаб қолди.

Бу йилги чемпионатда жамоа биринчи даврдан сўнг турнир жадвалида 16-ўринни эгаллаб турибди. Неъматулла Қуттибоевнинг «Пахтакор» жамоасига ўтиб кетиши, етакчи ўйинчилардан бири Серик Жағалтаевнинг оғир жараҳат олиши жамоа ўйинига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистон футбол федерацияси клуб раҳбарияти жамоани бундай қийин вазиятдан олиб чиқиш йўллари изламоқда. Чемпионат бошида ўтган йили жамоа таркибида яхши ўйин кўрсатган Мақсатилла Қуттибоев ва Серик Жағалтаевлар «Тико» автомашинаси билан тақдирланишди.

Қорақалпоғистонлик йигитларнинг Ўзбекистон футболда ўз ўрни бор. Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган 12-Осиё ўйинларида терма жамоамиз таркибида дарвозабонлик қилган Бердах Оллониев чемпион бўлиб қайтди. Неъматулла Қуттибоев Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида яхши ўйин кўрсатаёпти. Жандос Аметов Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига таклиф этилган. Баҳодир Саиджамоллов «Семурғ» жамоасида ўйнамоқда. Пайти келиб Қорақалпоғистон футболда яна доврғ қозонишига ишонамиз.

Довуд АБИДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон футбол» газетасининг
Қорақалпоғистон бўйича мухбири

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
10 йиллиги олдидан

«ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ» КУБОГИ УЧУН

Республикада аҳолини соғломлаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини юсалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифадир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишида эса спортнинг тугган ўрни бекиёсдир. Шу боисдан ҳам Республика прокуратураси раҳбарияти прокуратура идоралари ходимларини спорт турлари билан шуғулланишга жалб этиш, турли мусобақалар ўтказишга катта эътибор бермоқда.

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг фармойишига мувофиқ



Истиқлолнинг 10 йиллигига бағишлаб июль - август ойларида Марказий маҳкама, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратура ходимлари ўртасида теннис ва футбол бўйича «Қонун ҳимоячиси» кубоги учун мусобақалар ўтказилади.

Жамоалар ўшбу мусобақаларга қандай тайёргарлик кўришди? Бизга хабар қилишларича, Марказий маҳкама ва вилоятларда жамоалар таркибини аниқлаш юзасидан машғулотлар ўтказилган. Жумладан, Марказий маҳкама футбол жамоаси мураббийлари машқларда синоддан ўтган майдонга тушувчи ўйинчилар рўйхатини тақдим этишди. Таркибга қўйидаги ўйинчилар киритилди: О.Абдуганиев (дарвозабон),

Ж.Эгамов, А.Тойлоқов, И.Эргашхўжаев, Ф.Боқиев, Ф.Назаров, О.Оқилов, Е.Аъзамўжаев, Ш.Раҳматов, Х.Қурбоннов, Х. Зайниддиннов, С.Наимов, Э.Тожиев, Б.Расулов, Ф.Абдусаломов, З. Рустамов.

Муҳлисларимизнинг қизиқишларини эътиборга олиб, футбол турнири жадавалини келтирамиз.

1-гурӯх. Фарғона, Андижон, Наманган.

2-гурӯх. Қашқадарё, Сурхондарё.

3-гурӯх. Республика харбий прокуратураси, транспорт прокуратураси.

4-гурӯх. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти.

5-гурӯх. Самарканд, Бухоро, Навоий.

6-гурӯх. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм.

7-гурӯх. Сирдарё, Жиззах, Марказий маҳкама.


Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган турнирни ўтказиш тартибига кўра ўзаро учрашувларда энг кўп очко тўплаган жамоа гурӯх ғолиби деб топилади. Очколар сони тенг бўлган тақдирда ғолиб киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра аниқланади. Гурӯх ғолиблари чорак финалга йўлланма оладилар. Ярим финал ва финал ўйинларини Тошкентда ўтказиш режалаштирилган. Турнирда ғолиб чиқадиغان жамоага, шунингдек мусобақанинг энг кўп тўпурари, энг яхши дарвозабони, ҳимоячиси, ярим ҳимоячиси, ҳужумчиси, фахрий ўйинчисига атаб совринлар тайёрлаб қўйилди.

Кўпчилик жамоалар турнирга яхши тайёргарлик кўрганликларини таъкидлашмоқда. Демак, мусобақалар қизгин курашлар остида ўтиши кўтиляпти. Шундай экан, азиз футбол муҳлисларини ўйинларни томоша қилиш учун стадионларга чорлаймиз.

Кеча футбол турнирига старт берилди. Марказий маҳкама футбол жамоаси Сирдарё вилояти прокуратураси жамоаси билан дастлабки учрашувни ўтказди. Ўйин 7:2 ҳисобида Марказий маҳкама футболчиларининг ғалабаси билан тугади.

Б.НАЗАРОВ

КРОССВОРД



Энига: 1. Ўйғун драмеси. 4. Санъат тури. 6. Африкадаги давлат. 9. Тасвирий санъат тури. 13. Европадаги давлат пойтахти. 14. Хонаки сайроқи кўш. 18. Очқ кўриниб турган, равшан. 19. Зиё, ёғду. 20. Информацион дастур. 22. Икки шохчали таёқ. 26. Имтиҳон олиш усули. 28. Оддий халқ оммаси. 30. Жеки 31. Сатурн. 33. Субҳидам пайти. 34. Бирор нарсани севишни ифодаловчи кўшма сўз бўлаги. 36. Малайя архипелагидagi орол. 38. Туш, уйқу. 40. Катикдан тайёрланадиган чанқовбосди ичимлик. 42. Самарқанддаги йирик архитектура иншооти. 44. Қимматбаҳо тош номини олган эстрада гурӯҳи. 46. Тошкентнинг эски номи. 47. Рамазон ойдаги шарт. 49. Ширинлик тури. 50. Томонлари тенг параллелограмм. 52. Кўп дардларга даво мева. 53. Бўёқ. 55. Яхшилик учун олинадиган оғзаки ҳақ. 56. Қизил, сариқ, қора рангдаги нордон мева. 59. Чет эл автомобил русуми. 60. Эзилмоқ, шикастланмоқ. 65. Мурод Муҳаммад Дўст асари. 66. Намозга чорлов. 67. Ёшлар телеканалидаги кўрсатув.

Бўйиға: 1. Ҳиндистондаги шаҳар. 2. Бош ролда Наталья Варлей ўйнаган бадийий фильм. 3. Тепалик ерлар, баландлик. 4. Миллодан аввалги I асрда Марказий Осиёда вужудга келган давлат. 5. Бўйма илон тури. 6. Эстрада гурӯҳи. 7. Кўёшдан кейинги учинчи

сайёра. 8. Нарса солиш, саклаш учун буюм. 9. Тишини қамаштирувчи, оғизни буриштирувчи таъм. 10. Ҳажвий йўсинда ёзилган адабий асар. 11. «Транкобронхит»даги бош қаҳрамон. 12. Бутун борлик. 14. Вулқон чўққисида ҳосил бўладиган чўққурик. 15. Рангсиз, ҳидсиз химиявий элемент. 16. Тана қисми. 17. Камқонлик касаллиги. 21. Россиядаги автомобилсозлик заводи. (қисқартма номи) 22. Ўн икки ойга тенг вақт. 24. АҚШ харбий ташкилоти. 25. Ўлда-жўлда, айқаш-уйқаш. 27. Бирор гурӯҳга мансуб кишилар мажмуи. 29. Ўлғайиб, баалоғатга етмоқ. 30. Пичоқ ўткирлайдиган мослама. 32. Айрилик, жудалик, фироқ. 35. Англияда юқори табақа дворянларнинг унвони. 37. Киши раҳмини келтирувчи туйғу. 39. Туркий қабилалардан бири. 40. Оғзаки баён этилган шикоят. 41. Тўғма доғ. 42. Брошюра. 43. Сунъий уйқу тугдирувчи дори. 44. Металли ип. 45. Илм. 46. Тошкент сув омбори. 48. Ислон динидаги харбий унвон. 49. Асар яратиш. 51. Омбор. 52. 70-йилларнинг машҳур чел эл эстрада гурӯҳи. 54. Европадаги бир қанча мамлакатларда пул бирлиги. 55. Тоғнинг ошиб ўтиладиган қулай жойи. 57. Мисол, ўхшаш. 58. Проза. 61. Осиёдаги миллат. 62. Маълум бир томонга оқаётган сув. 63. Муסיқий нота. 64. Мустаҳкам ўрнашмоқ.

Тузувчи: Н.ЛУТФУЛЛАЕВА

Моҳият

Ҳар кишининг дўсти-га дўстлиги буюк бўлса, унинг саодати бундан ҳам буюкроқ бўлади.

Қутлов

Ҳурматли Фахри Раҳимов!

Сизни «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий-амалий муаммолари» мавзусидаги ишнингизни муваффақиятли ёқлаб, юридик фанлари доктори унвонига сазовор бўлганингиз билан чин юракдан қутлаймиз ва келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамкасбларингиз

ТРАНСФЕР



Жаҳоннинг ўтган йилги энг кучли футболчиси Зайниддин Зидан 61 млн. \$ эвазига «Ювентус»дан «Реал»га ўтди.

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ

АГАССИ ЯНА УЙЛАНМОҚЧИ

Таникли теннисчилар Андре Агасси ва Штеффи Граф келгуси йилнинг январь ойида расман никоҳдан ўтишларини маълум қилганлар. Теннис юлдузларининг никоҳ оқшомлари Агасси туғилган шаҳар — Лас-Вегасда бўлиб ўтади. Икки йил муқаддам актриса Брук Шилдс билан ажрашган 31 ёшли Агасси учун бу иккинчи никоҳ бўлса, унинг бўлажак рафиқаси учун эса биринчи никоҳдир. Тўйнинг бу муддатга белгиланганлигининг сабаби, декабрь ойида Штеффининг фарзандли бўлиши кўтиляётганлигидир.



Болалиқнинг бегубор онлари

АВТООЛАМ

ЗАВОДЛАР ЁПИЛДИ. ИШЧИЛАР ТАЪТИЛДА

Европадаги энг йирик автомобиль концернларидан бири бўлиши — Volkswagen AG ўзининг иккита заводи фаолияти буткул тўхтаганлигини маълум қилди.

1937 йилдан бошлаб фюрер буюртмасига кўра «Фольксваген-жук «халқ автомобили» ишлаб чиқаришни бошлаган «Wolfsburg» корхонасининг 51 минг нафар ишчисидан 42 минг нафари яқин кунлар ичида меҳнат таътилига чиқарилади. Volkswagen AG маъмурияти ишчиларининг оммавий равишда меҳнат таътилига чиқарилиши мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятга умуман алоқаси йўқлигини ҳам кистириб ўтган.

Франкфурт биржасида юқоридаги сабабга кўра Volkswagen акцияларининг нархи пасайиб кетди ва бу ҳол французларнинг Renault ҳамда Peugeot компанияларига жуда кўл келди.

Автосаноатдаги инкирозлар америкалик автомобилсозлар ҳўжалигини ҳам четлаб ўтмади. Масалан, компаниянинг Бразилиядаги асосий корхонаси ҳам ўн кун давомида умуман ишламади ва шундан сўнг унинг ҳам барча ишчилари мажбурий меҳнат таътилига йўл олдилар.